

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 635+633.11+631.53

Маматов Бозорбой Сайфиддинович

**САБЗАВОТ (ШИРИН) МАККАЖЎХОРИ НАВЛАРИНИНГ
АСОСИЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР СИФАТИДА ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ**

**5А620216 – Сабзавотчилик мутахассислиги бўйича
магистр даражасини олиш учун ёзган**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар, қишлоқ
хўжалик фанлари номзоди,
доцент С. Х. Нарзиева**

Самарқанд – 2008

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ.....	6
1.1. Ширин маккажўхори донининг биокимёвий таркиби ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	6
1.2. Маккажўхорининг келиб чиқиши тарқалиши ва классификацияси	7
1.3. Ширин маккажўхорининг морфологик ва биологик хусусиятлари	14
1.4. Ширин маккажўхори нав ва дурагайлари хар хил тупроқ ва иқлим шароитларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги.....	21
2. ТАЖРИБА ШАРОИТЛАРИ, ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИ.....	22
2.1. Тажриба жойи, тупроқ ва иқлим шароитлари	22
2.2. Тадқиқот объекти ва услуги	23
3. ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВЛАР ТЎПЛАМИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ.....	27
3.1. Ширин маккажўхори навларини ўсиши ва ривожланиши.....	27
3.2. Ширин маккажўхори навларининг маҳсулдорликкўрсаткичлари..	31
3.3. Навлар ҳосилдорлиги.....	34
4. ШИРИН МАККАЖЎХОРИНИ АСОСИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	38
4.1. Ширин маккажўхори ўстириш ва ҳосилини йиғиш технологияси..	38
4.2. Ширин маккажўхори Шерзод навини асосий экин сифатида ўстириш технологияси.....	59
5. ШИРИН МАККАЖЎХОРИНИ ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	62
5.1. Ширин маккажўхорини такрорий экин сифатида ўстириш технологиясининг хусусиятлари.....	62
5.2. Шерзод навини такрорий экин сифатида ўстириш технологияси..	67
6. ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИНИ ЎСТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.....	68
ХУЛОСАЛАР.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72
ИЛОВА.....	77
ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ.....	78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, республикамиз ҳукумати бу соҳага катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида” ги фармон ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг буйруқ ва қарорлари бу соҳалар ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Марказий Осиё ҳудуди ер шарининг 42 ва 38 градуслари оралиғида жойлашган бўлиб, ўзининг иқлим ва тупроқ шароити билан мева, сабзавот, полиз экинлари ва картошка ўстириш учун қулай ҳудудлардан ҳисобланади.

Сабзавотчилик фермер хўжаликларида сабзавот экинлари ассортиментини кўпайтириш, аҳолининг талаби ортиб бораётган экинлар, масалан ширин маккажўхори майдонларини кенгайтириш, ҳар қайси тупроқ ва иқлим ҳудуди учун мос навларини танлаш, уларни ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш, фермер хўжаликлари билан маҳсулот топшириш бўйича қайта ишлаш корхоналари ўртасида шартномалар тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Ширин маккажўхори дони озиқ – овқатда сут – мум пишиш фазасида пишириб, консерваланиб ва янгилигича музлатилиб ишлатилади. Ширин маккажўхори шакар ва крахмалга бой бўлиб, ундан ташқари маълум миқдорда оқсил, инсон саломатлиги учун зарур бўлган мой, витаминлар С, В₁, В₂, РР ҳамда провитамин А сақлайди.

Ҳозирги кунда дунё аҳолиси севиб истеъмол қиладиган сабзавотлардан бири ширин маккажўхори (*Zea mays L. convar. saccharata koern.*) бўлиб,

ватани Марказий Америка ҳисобланади ва бу экин АҚШ, Канада, Мексика, Аргентина, Перу каби мамлакатларда кенг тарқалган сабзавот экини ҳисобланиб, бизда ҳам кейинги вақтларда қизиқиш уйғонмоқда. Лекин, ширин маккажўхори навларини танлаш, уруғчилигини ташкил қилиш ва уларни ўстиришда қулай экиш усули ва меъёрларини белгилаш бўйича муайян шароитда илмий тадқиқот ишлари ўтказилмаган.

Шуларни ҳисобга олиб Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари Бутунроссия ва Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтлари ҳамкорлари билан 2000 йилдан бошлаб ижодий илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқот ишлари натижасида бир қанча муваффақиятларга эришилди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларидан келтирилган ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари маҳаллий шароитда тезпишарлиги, ўсиши, махсулдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга, ётиб қолишга чидамлиги, ҳосилдорлиги, асосий ва такрорий экинларга мослиги бўйича қадимдан суғориладиган бўз тупроқларда ҳар томонлама комплекс баҳоланди ва истиқболлилари танлаб олинди.

Маҳаллий шароитга мос ширин маккажўхорининг Шерзод нави яратилиб, Давлат нав синашидан муваффақиятли ўтиб, 2005 йилдан Давлат реестрига киритилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. *Тадқиқот мақсади* - Ширин маккажўхори нав ва дурагай намуналар тўпламини баҳолаш асосида маҳаллий шароитга мос истиқболлиларни танлаш, асосий ва такрорий экин сифатида улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиясин ўрганишдан иборат.

Бу мақсадни бажариш учун тадқиқотлар олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Ширин маккажўхори нав ва дурагайлар коллекциясини йиғиш, тезпишарлиги, ўсиши, махсулдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга, ётиб қолишга чидамлиги, ҳосилдорлиги, асосий ва такрорий экинларга

мослиги бўйича қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида комплекс баҳолаш ва истиқболлиларини танлаш.

2. Ширин маккажўхори Шерзод ва бошқа истиқболли навларини асосий ва такрорий экинлар сифатида ўстириб, юқори ҳосил олиш технологиясини яратиш.
3. Ширин маккажўхорининг ҳар хил экиш усулларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш.
4. Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ширин маккажўхори етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг янгилиги. Ўзбекистон Зарафшон водийси шароитида илк бор ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлар генофонди ҳар томонлама баҳоланди. Асосий ва такрорий экин сифатида ҳар хил экиш усулларида ширин маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилиб, қулай экиш усули илмий асосланди. Истиқболли навларни қулай экиш усулида ўстириш иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ширин маккажўхорининг нав ва дурагай намуналари тўплами мазкур шароитда ўрганилиб, энг истиқболлилари ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Истиқболли ширин маккажўхори навларининг асосий ва такрорий экин сифатида ўстириш технологиясининг айрим элементлари – экиш усуллари ва меъёрлари ўрганилди.

Мақола чоп этиш. Мавзу бўйича 2 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг таркиби ва ҳажми. Иш кириш, 6 та боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. У 75 бет компьютер текстидан ва интернет маълумотлари 17 бетни ташкил этади. 17 та жадвал, 3 та расм ва 3 донa диаграммаларни ўз ичига олади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 67 тадан иборат. Иловада чоп этилган мақолалар нусхалари қайд этилган.

1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. 1. Ширин маккажўхори донининг биокимёвий таркиби ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Маккажўхори халқ хўжалигида жуда кўп мақсадларда ишлатилади. Унинг дони кўпгина мамлакатларда озиқ сифатида фойдаланилади. Европа мамлакатларида етиштирилган барча маккажўхори донининг 45-50, Шимолий ва марказий Америкада 30-35, Жанубий Америкада 50-55, Осиёда 70-80, Африкада 65-70, Австралияда 35-40 % озиқ-овқат мақсадларида ишлатилади. Португалия, Мексика, Куба, Покистон, Индонезия каби мамлакатларда етиштириладиган маккажўхори донининг 90-95 % овқатга солинади (Х.Йўлдошев, 1984).

Ширин маккажўхори дони истеъмолда сут-мум пишиш фазасида пишириб, консерваланиб ва янгилигича музлатилиб ишлатилади. Ширин маккажўхори дони шакар ва крахмалга бой бўлиб, ундан ташқари маълум миқдорда оксил, инсон саломатлиги учун зарур бўлган мой, С, В₁, В₂, РР витаминлари, бундан ташқари провитамин А сақлайди. Озиқ-овқатлик қийматига кўра горох ва фасолдан қолишмайди (М.И.Рубцов, В.П.Матвеев, 1970).

Сабзаёт экинлари орасида ширин маккажўхори дони таркибида оксил кўп сақлаб унинг миқдори 5 % гача бўлади.

Умуман, ширин маккажўхорининг дони таркибида бошқалариникига нисбатан оксил ва мой кўп бўлади. Донининг таркибида қуруқ моддага нисбатан 18-20 % оксил, 64 % гача углеводлар, шу жумладан 32 % декстрин, мой 8-9 % ни ташкил қилади.

Ширин маккажўхори дони таркибида сувда эрийдиган углеводлар – декстрин кўп бўлади, шохсимон эндосперма кўп, унсимон крахмал доначалари унинг эндоспермасида жуда кам миқдорда, фақат куртакка яқин қисмида учрайди.

**Ширин маккажўхори, горох ва фасоль донининг биокимёвий таркиби,
% (А. М. Дрозд маълумоти)**

Махсулот тури	Курук модда	Оксил	Мой	Кул	Углеводлар
Ширин маккажўхори дони	26,1	3,7	1,2	0,7	20,5
Ширин маккажўхори консервалангани	24,0	2,5	0,9	1,0	19,6
Горох консерваланган	14,6	3,3	0,2	1,0	10,1
Фасоль консерваланган	5,7	1,0	0,1	1,3	3,3

Ширин маккажўхори сўталарининг сут-мум пишиш (думбул) фазасида йиғиштириб олинади. Думбул сўталаридан саноатида консерва тайёрланади ва янги сўталар озиқ-овқат учун ишлатилади (Ҳ.Йўлдошев, 1984).

**1. 2. Маккажўхорининг келиб чиқиши, тарқалиши ва
классификацияси**

Маккажўхори энг қадимий маданий экинлардан бири. Унинг ватани Марказий Америка. Эрамиздан 4000 йил илгари ҳам Америка қитъасида яшаган барча қабилалар маккажўхоридан кенг фойдаланганлар, улар учун бу экин бирдан-бир нон экини ҳисобланган.

Маккажўхори Европага XV асрнинг охирида олиб келинган. Дастлабки вақтларда у ноёб экин сифатида уй атрофини безаш учун экилган. Кўп вақт ўтмай маккажўхори Франция, Италия, Португалия мамлакатларида аввал озиқ-овқат, кейинроқ ем-хашак экини сифатида тарқалган.

XVI асрда маккажўхори Африка, Ҳиндистон, ва Хитойга етиб борган. Россияда XVII асрдан бошлаб экилган. Лекин уни XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар полиз экини сифатида экилган (Ҳ.Йўлдошев, 1984).

Ҳозирги пайтда маккажўхори юқори даражада маданийлашган ўсимлик ҳисобланади ва барча қитъаларда кенг тарқалган. Умумий майдони бўйича учинчи ўринда (буғдой, шолидан кейин) туради. Бутун дунё бўйича 2007 йилда унинг майдони 147 млн. гектар бўлиб, ҳосилдорлик 49,8 ц/га, ялпи ҳосил 733 млн. тоннани ташкил этган.

Ўзбекистонда маккажўхори экин майдони йил сайин кенгаймоқда. Унинг майдони 2007 йил 92 минг гектар бўлиб, ҳосилдорлик 38,0 ц/га, ялпи дон маҳсулоти 349600 тоннани ташкил қилган.


Маданий маккажўхори битта *Zea mays* турига мансуб бўлиб, морфологик белгиларига кўра ҳар хил бўлган шакллари мавжуд.

1899 йилда Стертевант томонидан тавсия этилган классификацияга кўра эндосперма ва дон морфологияси бўйича 7 та кенжа турга бўлинади (1-расм). Улар қуйидагилардан иборат:

1. Крахмалли маккажўхори - *Zea mays amilaseae*. Донининг шакли думалок, эндоспермаси унсимон крахмал доначалари билан тўлишган. Донида 72-83 % крахмал, 7-12 % оқсил, 5 % мой бор. Донининг ташқи кўриниши хира. Бу кенжа турнинг дони крахмал – шарбат, спирт – ароқ ва мой ишлаб чиқаришда хом ашё ҳисобланади.

2. Тишсимон маккажўхори – *Zea mays indentata*. Энг кенг тарқалган кенжа тур. Унинг дони йирик, узунчоқ – призмасимон, юқори қисмида махсус чуқурчаси бор. Шакли отнинг тишига ўхшайди. Дони икки хил эндоспермага эга: унсимон ва донсимон.

Тишсимон маккажўхорининг асосан сариқ донли хили кенг тарқалган. Унинг таркибида (куруқ модда ҳисобида) 68-76 % крахмал, 8-20 % оқсил, 5 % га яқин мой мавжуд. Унда каротин моддаси ҳам бўлиб, доннинг озиқлик қимматини анча оширади, унинг сариқ рангда бўлиши ҳам асосан каротин туфайлидир.



1-расм. Маккажўхори асосий кенжа турларининг етилган донлари ва сўталари: 1-тишсимон; 2- кремнийли; 3-крахмалли; 4-ширин; 5-бодрок.

3. Кремнийли (ялтироқ) маккажўхори - *Zea mays indurata*. Донлари думалок, икки чети бироз ботик, силлиқ, ялтироқ. Эндоспермаси шохсимон

ва фақат марказий қисми унсимон. Донида 65-83 % крахмал, 8-10 % оксил, 5 % га яқин мой бор.

4. Бодроқ маккажўхори – *Zea mays everta*. Дони майда, эндоспермаси шохсимон, крахмал доначалари билан тўлишган. Унсимон крахмал доначалари эса куртак ёнида жуда оз миқдорда бўлади. Қовурилганда ёки юқори ҳароратда дони бодроқ бўлиб чатнаб кетади. Саноатда донидан бодроқ, ёрма ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Донининг таркибида 62-72 % крахмал, 10-14 % оксил, 5 % га яқин мой мавжуд.

5. Ширин маккажўхори – *Zea mays sacharata*. Тишсимон ва ялтироқ маккажўхорининг мутанти сифатида келиб чиққан. Дони ялтироқ, ташқи кўриниши буришган, унинг таркибида сувда эрийдиган углеводлар – декстрин кўп бўлади, шохсимон эндосперма кўп, унсимон крахмал доначалари унинг эндоспермасида жуда кам миқдорда, фақат куртакка яқин қисмида учрайди. Бу кенжа турнинг дони таркибида бошқалариникига нисбатан оксил ва мой кўп бўлади. Ширин маккажўхори донининг таркибида (куруқ моддага нисбатан) 18-20 % оксил, 64 % гача углеводлар, шу жумладан 32 % декстрин, мой 8-9 % ни ташкил қилади.

Ширин маккажўхори сабзавот экини сифатида экилади ва сўталарининг сут- мум пишиш (думбул) фазасида йиғиштириб, озиқ-овқатга ишлатилади.

Ширин маккажўхори сабзавот экини сифатида экилади ва сўталарининг сут-мум (думбул) фазасида йиғиштириб олинади.

Ширин маккажўхорининг ўсимлиги паст бўйли, бачки поялар ҳосил қилишга мойил, сўталари майда, ўсув даври қисқа, яъни тезпишар, лекин камҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам бу кенжа турнинг серҳосил навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу кенжа турнинг оқ донли (дулкис-гул қобиғи оқ, субдулкисгул қобиғи қизил), сариқ донли (фловодулкис-гул қобиғи қизил), қизил донли (рубродулкис-гул қобиғи қизил), қора донли (атротодулкис-гул қобиғи оқ) ва бошқа хиллари тарқалган.

Аргентина, Канада ва АҚШ да ширин маккажўхори бошқа кенжа турларга нисбатан кўпроқ тарқалган.

6. Қобикли маккажўхори – *Zea mays tunicata*. Донини кучли тараққий қилган оналик гул қобиклари қоплаб туради. бу кенжа тур хўжалик аҳамиятига эга эмас, уни фақат ботаник ва генетик текшириш мақсадларида экиш мумкин.

7. Мумсимон маккажўхори – *Zea mays ceratina*. Н.Н.Куляшов томонидан таъриф ёзилиб, дони қаттиқлиги жиҳатидан ялтироқ кенжа турниқига ўхшаш, лекин ундан ташқи кўриниши хиралиги, мумсимонлиги билан фарқланади. Бу кенжа турнинг дони декстирин олиш учун ишлатилади.

Юқорида келтирилган 7 та турдан ташқари яна битта кенжа тур – Олабаргли маккажўхори (*Zea mays uaronica*) ҳам учрайди. Унинг барглари оч – сарик, қизғиш йўллардан иборат. Декоратив экин сифатида экилади.

Тадқиқотчиларнинг (М.А.Зеленский, А.К.Пархоменко, 1986) ёзишича, маданийлаштирилганига бир неча минг йил бўлишига қарамасдан, яқин вақтларгача маккажўхорининг келиб чиқиши ҳақида бир фикрга келишилмаган эди. Олиб борилган селекция ишлари натижасида маккажўхори шунчалик даражада ўзгариб кетганки, натижада ҳеч кимга унинг ёввойи авлодларини аниқлаш насиб қилмаган. Айрим тадқиқотчиларнинг айтишларича, *Zea mays* тури Спонтан ёки сунъий чатиштириш йўли билан олинган, лекин дастлабки ота-она шакллари ҳозиргача аниқланмаган.

Яқин ўтмишда Мексиканинг тоғли ҳудудларида маккажўхорига яқин бўлган ёввойи ўсимлик тури топилади. Бу трипсакум – *Tripsacum dactyleides* ($2n=72$) – кўп йиллик, баланд бўйли, кўп шохлайдиган ўсимлик бўлиб, шохларининг учки қисмида маккажўхори донига ўхшаш донлар ҳосил қилади.

Ўтган асрнинг 90 – йили бошида яна Мексиканинг тоғли ҳудудларида маккажўхорининг ўтмишдошларидан ёввойи ҳолда ўсадиган йўқолиб

бораётган Теосинте тури топилган. Бу ўсимлик дони маҳаллий аҳоли томонидан “чепаль” деб аталган ва озиқ – овқатда ишлатилади. Теосинтеда ҳам маккажўхориға ўхшаб храмосомалар сони ($2n=20$) тенг бўлиб, чатиштириш осон.

Теосинте касалликларға чидамли бўлиб, ирмоқларда ўсади, намликнинг кўплигидан зарарланмайди, совукка ўта чидамли. Ёз давомида ўсиб, поялари 2,5 метргача етади, яхши ривожланган донга тўла сўталар ҳосил қилади. Ҳозирги кунда маккажўхорининг бу ўтмишдоши ўрганилиб, селекция ишларида фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган селекция ишлари натижасида маккажўхорининг коллекцияси генофондида 13 мингдан ортиқ навлари мавжуд. Улар бир-биридан морфологик, биологик ва хўжалик белгилари билан бир-биридан фарқ қилиб, ҳар хил мақсадларда ишлатилади. Маккажўхори генофонди тирик ҳолда сақланиб, ҳар бир намуна 2-5 йилда донини янгилаш учун қайтадан экилади.

Ширин маккажўхорининг Собик иттифоқ пайтида ўнга яқин навлари бўлиб, Россия, Украина, Молдовия каби давлатларда экилган.

Ўзбекистонда ширин маккажўхори кам экилган, маҳаллий шароитга мос навлар йўқ эди ва четдан келтирилиб айрим навлар экилган.

Ширин маккажўхори навларининг таърифи


Гибрид Юбилейный – 237. ВИР нинг Қрим тажриба станциясида яратилган. Ўсимлик бўйи 172-218 см, 2 та сўта ва 2 та қўлтиқ новда ҳосил қилади. Дони тўлиқ сариқ, цилиндрсимон шаклда, сўталари ҳам цилиндрсимон шаклда бўлиб, бўйи 19,5 см, эни 5,1 см. эртапишар нав, 102-105 кунда техник пишади.

Кубанская консервная – 148. Бу нав ҳам ВИР нинг Қрим тажриба станциясида америка навларини чатиштириш йўли билан олинган. Бўйи 140-170 см. Дони тўқ сариқ кенг, сўтаси конуссимон, узунлиги 18-22 см, диаметри 4-4,5 см. тезпишар нав, 90-99 кунда техник пишади. Айниқса ёзги муддатда экишга мос нав.

Пионерка Севера. Грибовский сабзавот селекцияси тажриба станциясида Канада сабзавот (ширин) маккажўхорини чатиштириб яратилган.

Ўсимликлари паст, бўйи 9-120 см. дони оқ ёки оч пушти рангда, сўтаси кучсиз конуссимон шаклда, узунлиги 12-15 см, бир тупда 3-4 тагача сўта ҳосил бўлади. Тезпишар нав униб чиққандан 70-90 кунда техник пишади.

Награда – 97 (2-расм). ВИР нинг Қрим тажриба станциясида яратилган, америка нав намуналаридан чатиштириш йўли билан олинган. Ўсимлик бўйи 150-200 см, дони тўқ сарик, узунчок, сўтаси цилиндрсимон, узунлиги 20-24 см, эни 4,2-4,8 см. Ўртапишар нав, 94-106 кунда техник пишади. Ҳосилдорлиги юқори, курғокчиликка чидамли.



2-расм. Ширин маккажўхори Награда 97 нави:

1 – сут пишишдаги сўтаси; 2 – қобиқ ичидаги сўтаси; 3 – биологик пишган сўтаси; 4 – сут пишишдаги сўта кўндаланг кесими; 5 - дони кўриниши

Ранняя золотая – 401. ВИР нинг Қрим тажриба станциясида яратилган. Ўсимлик бўйи 110-140 см, дони оч сариқ рангда, калта. Сўтасининг узунлиги 15-18 см, диаметри 4 см. Тезпишар нав, ўсув даври 80-92 кун.

Тираспольская скороспелая – 33. Молдовия суғориладиган дехқончилик ва сабзавотчилик ИТИ да америкадан келиб чиққан навларни чатиштириш йўли билан олинган. Ўсимлик бўйи 120-140 см, дони оч сариқ, сўтасининг узунлиги 15-18 см, диаметри 4-4,2 см. жуда тезпишар нав, 60-70 кунда техник пишади. Совуққа чидамли (М.И.Рубцов, В.П.Матвеев, 1970).

Шерзод (3-расм). Самарқанд кишлоқ хўжалик институти ва Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари (Т.Э.Остонақулов, Р.Ф.Мавлянова, Ф.Х.Абдуллаев, Ш.О.Бурхонов) томонидан дурагайлаш (Франция UZ № 53/98 х Награда) ва чексиз янги танлаш йўли билан яратилган. Тезпишар, ўсув даври 72-74 кун. Ўсимлик бўйи 150-170 см, ётиб қолишга ва пуфакли қоракуяга чидамли. Тупланувчан 3-4 та ён поя ҳосил қилувчан, кўп сўтали. Ҳар бир тупида 12-15 донга сўта шаклланади. Сўта вазни 120-200 грамм. Дони йирик, 1000 та дон массаси 330-350 грамм. Асосий ва такрорий экинга мос. Дон ҳосилдорлиги гектаридан 50-70 ц/га. 2005 йилда Давлат реестрига киритилиб, районлаштиришга тавсия этилган.

1.3. Ширин маккажўхорининг морфологик ва биологик хусусиятлари

Маккажўхори қўнғирбошсимонлар оиласига кирувчи, бир йиллик, бир уйлик, икки жинсли, четдан чангланадиган ўсимлик. Битта ўсимликда оталик тўпгули – рўвак ва оналик тўпгули – сўта жойлашган. Ёввойи турлари топилмаган (Р.Орипов, Н.Халилов, 2006).

Ширин маккажўхори бошқа тур ва кенжа турлардан фақат донининг тузилиши ва биокимёвий таркиби билан фарқ қилади, қолган қисмларининг тузилиши эса бир хил (М.И.Рубцов, В.П.Матеев, 1970; 1978; 1985). Маккажўхорида кучли шохланган попул илдиз.



**3-расм. Ширин маккажўхори Шерзод нави сўтаси
ва донининг кўриниши.**

Илдизларининг асосий массаси 30-40 см чуқурликда жойлашаган, аммо айрим илдизлари 2,5 – 3 см гача чуқурликка кириб боради. Шунинг учун, қатор ораларига ишлов берилганда илдизлари зарарланмайди ва жўяк олинганда тупроқ юзасига яқин бўлган бўғинларидан ҳаво илдизлари ҳосил бўлади. Бу илдизлар таянч вазифасини ўтайди ва қўшимча озикланишда иштирок этади. Илдиз тизимининг ривожланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги, шунингдек, ҳосил бўлган барглар ўртасида ижобий корреляция бор.

Маккажўхори пояси алоҳида бўғин оралиқларидан иборат. Эртапишар дурагайларда 10-12, ўртапишарларда 12-16, кечпишарларда 18-20 бўғинлар бўлади. Ўсимлик бўйи 0,6 м дан 6 метргача етади, поясининг йўғонлиги (диаметри) 2-7 см.

Ширин маккажўхори ўсимлиги бошқа тур ва кенжа турларга нисбатан кучсиз ўсиб, бўйи ўртача – 160-170 см бўлади ва кўп қўлтиқ поялар чиқариши ҳамда тез ўсиши билан фарқ қилади.

Барглари оддий, барг қини ва япроғидан иборат. Битта ўсимликда 8 тадан 45 тагача барг бўлади ва барг юзаси 0,3-1,5 м² га етади. Гуллаш фазасининг охирида барг юзаси максимал даражага етади.

Оталик тўпгули – рўвак марказий ўқ ва ён шохлардан иборат. Бошоқчалари икки гуллик, ҳар гулда 3 тадан чангдон бор. Битта рўвакда 1000-1200 бошоқчалар ёки 2-2,5 минг гуллар бор.

Сўта – шакли ўзгарган новда, пояда барг қўлтиқларида ҳосил бўлади. Сўта шакли ўзгарган барглар билан ўралган. Битта ўсимликдаги сўталар сони нав, дурагай биологик хусусиятларига, агротехникасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Крахмалсимон, ширин ва бодроқ маккажўхорининг кечпишар дурагай ва навларида сўталар сони кўп бўлади.

Сўтада бошоқчалар қатор бўлиб жойлашади ва ҳар бир бошоқчада иккитадан гул жойлашган, улардан юқоридагиси ривожланиб, пасткиси атрофияланади. Қаторлар сони 8-16, битта қаторда 30 тагача дон ҳосил қилади. Оналиги ипсимон бўлиб сўтадан чиқиб туради.

Маккажўхори анемофил ўсимлик. Рўвак охириги барг қинидан чиққандан кейин 5-7 кун ўтгач гуллайди ва 2-3 кун, қурғоқчил шароитида 6-7 сўтадан олдин гуллайди. Гуллашида нам етишмаса уруғланиш жараёни бузилади, дон сийрак ҳосил бўлиб, ҳосилдорлик камаяди. Серёгин об-ҳавода чанглар ювилиб кетади ва дон ҳосил бўлмайди.

Маккажўхори меваси дон, одатда йирик ялонғоч. Тажрибалардан олинган маълумотларга кўра, 1000 та дон вазни майда донли дурагайларда (навларда) 100-120 г, йирик донлиларда 300-400 г. Донлари оқ, тўқ сарик, қизил, жигарранг ва ҳоказо. Битта сўтада 200 тадан 1000 тагача, ўртача 500-600 тагача дон бўлади. Дони шохсимон, унсимон эндоспермли, муртак ва пўстдан иборат.

Маккажўхори умумий массасининг 40-45 % и дон, 50-60 % и поялар, барглар, рўваклар, сўта ўзагидан иборат. Рўвак оғирлиги умумий массанинг 1,5 % ини ташкил қилади.

Ширин маккажўхори бошқа тур ва кенжа турлардан тез ўсиши ва ривожланиши билан фарқ қилади. Маълумотларга кўра, донларининг сутмум пишиши ҳаво ҳароратига қараб униб чиққандан сўнг 80-105 куни, тўла пишиши эса 115-190 кунда кузатилади.

Маккажўхори – иссиқсевар ўсимлик. Уруғлар тупроқда, экиш чуқурлигида ҳарорат 10-12 °C га етганда кўкариб бошлайди. Ҳозирги пайтда уруғлари 5-6 °C да уна бошлайдиган биотиплар яратилган. Биомассасининг ўсиши ҳарорат 10 °C дан пасайса тўхтайди (Р.Орипов, Н.Халилов, 2006).

Вегетатив қисмлари ҳосил ортиши учун оптимал ҳарорат 16-20 °C, генератив қисмлари учун 19-23 °C, лекин бу даврда ҳароратни кўтарилиб кетиши чанглари ўсишини кечиктиради. Ўсимлик ҳарорат 45-48 °C бўлганда ўсишдан тўхтайди. Баҳорда 2-3 °C совуқда майсаларни, кузда барглари совуқ уради.

Умуман, эртапишар навлар учун фаол ҳарорат йиғиндиси 1800-2000 °C, ўртапишар ва кечпишар навлар, дурагайлар учун 2300-2600 °C.

Маккажўхори қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Ўзбекистон шароитида олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра (И.Холбоев, 1972; Х.Йўлдошев, 1984; З.Холиқулов, 1986) маккажўхори 1 ц куруқ масса ҳосил қилиш учун, тупроқ ва об-ҳаво шароитига қараб 174-260 ц сув сарфлайди. Бу кўрсаткич буғдой ва сулиникидан анча паст. Маккажўхори майса ҳосил қилгандан 7-8 барг чиқаришгача ўрта ҳисобда бутун ўсув даврида оладиган сувнинг 15-20 %, сут пишиш фазасининг ўртасига бориб 70-75 %, сут пишиш фазасининг ўртасидан тўла пишиш фазасигача 20-22 % сувни қабул қилади. Маълумотларга кўра, маккажўхори бутун ўсув даврида зарур бўлган сувнинг асосий қисмини гуллаш ва донининг етилиш даврида ўзлаштиради. Маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил бериши учун тупроқнинг 50-70 см лик қатламида дала намлиги 70-80 % ни ташкил қилса, ўсимликка сув етарли бўлади.

Маккажўхори тупроқда вақтинчалик нам етишмаслигига, ҳавонинг нисбий намлиги камайишига бардош бера олади. Лекин, бундай ҳолат анча

чўзилиб кетиб, барглари сўлишиб қолса, у ўсишдан тўхтайди ва дон тўплаш жараёни бузилади. Тупроқ хаддан ташқари сернам бўлишини ҳам ёқтирмайди, чунки сернам тупроқда кислород етишмаслиги натижасида илдишларга фосфор моддасининг кириши ёмонлашади. Маккажўхори биологиясига кўра қисқа кун ўсимлиги. Х.Йўлдошев маълумотларига кўра, маккажўхорининг ёруғлик даври, нав ва дурагайларнинг хусусиятига 30-40 кун давом этади. Ёруғликнинг давомийлиги 9-10 соат бўлганда маккажўхори тез гуллайди, 12-14 соатдан ошганда эса унинг ўсув даври анча чўзилиб кетади. Маккажўхори гуллаши ва дон бериши учун ёруғликнинг кучи камида 1400-1800 люкс бўлиши керак. Бу кўрсаткич буғдой ва арпа учун 1800-2000 люксдир. Маккажўхори калин экилганда (бир гектарда 60-70 минг туп) ўрта ва пастки баргларига ёруғлик етишмаслиги натижасида фотосинтезнинг соф маҳсулоти эса 15-30 % камаяди. Фотосинтезни боришига ҳарорат ҳам таъсир кўрсатади. Нам етарли бўлганда фотосинтез жараёни 23-27 °C да жадаллик билан боради. Кейинчалик ҳароратнинг кўтарилиши билан бу жараён секинлашади ва ниҳоят ҳарорат 45 °C га борганда фотосинтез тўхтайди. Н.Н.Третьяков, 1974 маълумотларига кўра ёруғлик кучли бўлганда маккажўхори ўсимлигида фотосинтез жараёни 4,5-9 °C да ҳам ўтаверади.

Маккажўхори гуллаш даврига яқин энг кўп барг сатҳи ҳосил қилади. Демак, бу давр қанча тез ўтса, маккажўхори ёз ойлари иссиқлигидан фотосинтез жараёни учун унумли фойдаланади.

Маккажўхори экини озиқ моддаларга талабчан. Х.Йўлдошев таъкидлашича, маккажўхори ўсимлигининг нормал ўсиб ривожланиши ва юқори сифатли мўл ҳосил бериши учун макроэлементлардан – кислород, углерод, водород, азот, олтингугурт, фосфор, калий, кальций, магний, темир; микроэлементлардан – марганец, бор, мис, рух, йод, молибден, кобальт, элементлари зарур.

Маккажўхори дон ҳосили 60-70, яшил масса ҳосили 500-700 ц бўлганда, тупроқдан 150-180 кг азот, 60-70 кг фосфор, 160-190 кг калий ўзлаштиради (Р.Орипов, Н.Халилов, 2006).

Шимолий Кавказ шароитида ширин маккажўхориға ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибаларға кўра, (М.И.Рубцов, В.П.Матеев, 1970) ширин маккажўхориға полимикроўғит ПМУ – 7 қўллаш натижасида ҳосилдорлик 10-15 % га ортган.

А.А.Шестанова маълумотларига кўра, маккажўхорида куруқ модда тўпланишига қараб озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши ҳар хил ўсув фазаларида ҳар хил боради. Азот ва фосфорни маккажўхори тўла пишиш фазасига қадар қабул қилади. Калийни ўзлаштириш эса сут – мум пишиш фазасида тугайди. Умуман маккажўхори вегетатив даврининг биринчи ярмида умумий азот миқдорининг 40 %, фосфорнинг 28 % ва калийнинг 70 % ини ўзлаштиради. Ўсимликнинг калийга бўлган талаби рўвак ҳосил бўлиш, азотга нисбатан талаби эса доннинг шаклланиш даврига келиб кескин камаяди. Азотни ўзлаштириш жараёни сут пишиш фазасига келиб тўхтайдди.

Маккажўхори азот ва калийга нисбатан фосфорни анча кам, секин ва сўталари пишишига қадар бир меъёрга олади.

Ҳ.Йўлдошев кўрсатишича, доннинг сут пишиш фазасидан бошлаб, поя ва баргларда куруқ модданинг тўпланиши тўхтайдди, чунки бу пайтда озиқ моддалар ўсимликнинг вегетатив қисмларидан меваларига қараб оқа бошлайди. Бунда доннинг тўлишиши учун ўсимлик бошқа қисмларидан азотнинг 59 %, фосфорнинг 36 % ва калийнинг 82 % идан фойдаланилади. Донга азот, фосфор, айрим ҳолларда калийнинг қолган қисми тупроқдан келаётган оқим орқали ўтади.

Маккажўхорининг у ёки бу озиқ элементининг етишмаслик даражасини ўсимликни анализ қилиш йўли билан ёки ташқи кўринишига (белгиларига) қараб билиш мумкин. Азот етишмаганда ширин маккажўхорининг бўйи паст, барглари майда, оч яшил ва сарғиш рангли бўлади. Фосфор етишмаслиги кўпинча ўсимликда майса ҳосил бўлиши биланоқ билинади. Ўсиши секинлашади, барглари (айниқса пастки) тўқ яшил рангга киради, япроқ четлари баъзан ҳаммаси зангори тусга киради. Фосфор бутунлай етишмаганда барг учи ва четлари қурий бошлайди, гуллаш

ва донни етилиши чўзилиб кетади, сўталарда дон тўла бўлмайди, дон каторлари қийшайган бўлади. Калий етишмаганда маккажўхори барглари тўқ яшил рангли, тўлқинсимон шаклга киради, четлари аввал рангини йўқотади, кейинроқ тўқ жигарранг тусга киради, поялари калта, бўғин оралиқлари қисқа бўлади. Баъзан ўрим олдидан пояси ерга ётиб қолади.

Айрим микроэлементлар (темир, мис, рух ва ҳ.к.) етишмаганда эса баргларида, барг томирларида ранг ўзгариши, касаллик аломатлари пайдо бўлиши мумкин.

Маккажўхори ўсимлигининг меъёрида ўсиши, ривожланиши ва юқори сифатли ҳосил бериши учун макроэлементлар (кислород, углерод, водород, азот, олтингугурт, фосфор, калий, кальций, магний, темир) дан ташқари микроэлементлар (марганец, бор, мис, рух, йод, молибден, кобальт кабилар) зарур (2-жадвал).

2-жадвал

Маккажўхори ўсимлигида озиқ моддаларининг тақсимланиши

№	Озиқ моддалар	Ўсимлик (% ҳисобида)				
		Баргида	Поясида	Донида	Илдизида	Сўтасида
1.	Углерод	26,6	24,5	32,0	7,0	9,8
2.	Кислород	27,7	23,7	31,8	7,1	9,7
3.	Водород	26,3	22,7	34,8	9,5	9,7
4.	Азот	25,0	13,8	46,0	6,3	8,9
5.	Фосфор	28,6	10,5	52,3	4,2	4,4
6.	Калий	45,2	33,2	14,2	3,6	4,7
7.	Кальций	58,2	18,0	3,4	19,5	0,9
8.	Магний	32,3	21,0	34,2	6,8	5,6
9.	Олтингугурт	39,8	22,7	25,8	10,7	1,1
10.	Темир	23,0	14,6	15,7	44,1	2,7
11.	Кремний	62,3	8,6	0,4	27,6	1,1
12.	Алюминий	19,5	2,0	6,7	66,3	4,6
13.	Хлор	42,8	36,9	7,1	5,4	7,8
14.	Марганец	27,9	12,6	35,7	14,9	8,0

Келтирилган маълумотларга кўра, ташқи муҳит омиллари маккажўхори ўсимлиги учун мос бўлганда яхши ўсиб, ривожланади ва юқори ҳосил беради. Шунинг учун ширин маккажўхорининг биологик хусусиятларини, ташқи муҳитга бўлган талабларини тўғри аниқлаш ва тўла қондириш лозим.

1.4. Ширин маккажўхори нав ва дурагайлари ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги

Маккажўхорининг ўсиши ва ривожланиши бир неча фазага бўлинади: майса ҳосил қилиш, рўвак чиқариш, сўталарнинг гуллаши (попук чиқариш), доннинг сут, сут-мум ва тўла пишиқлиги фаза оралиқларининг узун-қисқа бўлиши нав хусусиятига, об-ҳаво шароитига, етиштириш технологиясига боғлиқ (Ҳ.Йўлдошев,1984).

Ўзбекистон шароитида ширин маккажўхорини нав ва дурагайлари ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Фақат кейинги йилларда Ўзбекистон Ўсимликшунослик ИТИ ва СамҚХИ олимлари томонидан бу мавзуда илмий ишлар олиб борилмоқда.

Россияда ширин сабзавот маккажўхорининг 25 та дурагай ва навлари районлашган бўлиб (дурагайлари - Аурика, Атлет, Юбилейний 427; навлари – эртапишар – Аурика, Заря, Лакомка Белогорья, Порумбень, Саратовская сахарная, Спирит, Утренняя песня; ўртапишар – Босбон, Даллас, Награда 97, Ника 353; кечпишар – Атлет, Бонус, Октава, РБН 9013) уларнинг экиш схемалари ўрганилиб энг қулай қатор оралиғи 60-70 см, қатордаги ўсимликлар ораси 15-20 см бўлганда энг юқори ва сифатли ҳосил олингани қайд этилган (Кукуруза сахарная овощная, Форум, интернет, 2006).

Ширин маккажўхорининг Ранняя лакомка – эртапишар навини Россиянинг жанубий вилоятлари шароитида қатор оралари 60-70 см, қатордаги туп ораларини 30-40 см қилиб ҳар бир уяга 2 тадан ўсимлик қолдириб экиш, ҳам эртаги ва мўл ҳосил олишни таъминлайди (Кукуруза сахарная Ранняя лакомка, Агротехника, интернет, 2006).

2. ТАЖРИБА ШАРОИТЛАРИ, ОБЕЪКТИ ВА УСЛУБИ

2. 1. Тажриба жойи, тупроқ ва иқлим шароитлари

Дала тажрибалари сабзавот (ширин) маккажўхорининг тўпланган генофонди (жами 17 та) ўрганиш бўйича Булунғур тумани “Маматбек” фермер хўжалиги типик бўз тупроқлари шароитида тезпишарлиги, ўсиши, маҳсулдорлиги, касаллик-зараркунандаларга, ётиб қолишга чидамлиги, ҳосилдорлиги, асосий ва такрорий экинларга мослиги бўйича комплекс баҳоланди.

Зарафшон водийси тупроқ қопламининг ҳарактерли томони бўз тупроқларни кенг тарқалганлигидир. Бу ерда бўз тупроқларни ўтлоқ, ўтлоқ ботқоқ тупроқ типлари ҳам учрайди. Эскидан суғориб келадиган ерларда типик бўз тупроқлар қоплами мавжуд (А.Н. Бабушкин, 1972).

Тажриба участкасининг тупроқларини агрокимёвий таърифлаш учун ҳайдов қатлами (0-30 см) ва ҳайдов ости қатлампидан (30-60 см) тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинди. Тупроқ қатламларида тегишлича гумус миқдори 1,20; 0,80; умумий азот 0,12; 0,09; умумий фосфор 0,24; 0,17; умумий калий 2,23; 2,11 фоиз, ҳаракатчан фосфор 22,6; 16,1; алмашинувчан калий 201-180 мг/кг бўлиб, тупроқ профили бўйлаб пастга тушган сари бу миқдорнинг камайиш ҳоллари кузатилди.

Тупроқларни механик таркиби жихатидан таркиби ўртача, оғир қумоқ бўлиб, физикли ва йирик миқдори кўп учрайди. Оч тусли бўз тупроқлар текисликда, ўтлоқ ва ўтлоқи – ботқоқ тупроқлар дарё сохилларида жойлашган ва суғориладиган деҳқончиликда фойдаланилади. Шу билан бирга истиқболли ўзлаштириладиган ерлардир (М.И Когубей, Г.Г Нагоев 1982).

Сизот сувлари марказий қисмида Зарафшон дарёсининг таъсири туфайли 1 – 4 м гача бўлиб кам минераллашган. Тоғ ва тоғ олди зонаси сизот сувлари 10 – 20 м чуқурликда баъзи жойларда 30 – 40 м гача боради (Т.Е.Сумичкина, 1983).

Зарафшон водийсининг табиий иқлим шароитининг характерли томони юқори температура ва ёруғликка эса, куруқ ҳаво ҳароратини тез ўзгарувчанлигини об-ҳаво шароитини айниқса баҳор ва куз фаслларида қутилмаган даражада ўзгаришига олиб келади. Тоғ ва тоғ олди зоналари шу билан бирга Зарафшон дарёсининг иқлимига, тупроқ шароитига таъсири каттадир.

Тажриба ўтказилган йилларнинг иқлим шароитларини таърифлаш учун денгиз сатҳидан 700 м баландликда жойлашган Самарқанд метеостанцияси маълумотларидан фойдаланилди (3-жадвал). Маълумотларга кўра, ўртача бир йиллик ёғин-сочин миқдори 358 мм ни ташкил этади. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, кўп йиллик маълумотларга кўра $13,1^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этса, энг паст ҳарорат – $0,4^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Ёз ойларида эсадиган шамол тезлиги 7-8 м/сек ни ташкил этади. Баъзи йиллари ёз ойларида иссиқ шамол – гармсел бўлиши, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ёғингарчиликларнинг асосий қисми куз, қиш ва баҳор мавсумига тўғри келади. Ёз мавсумида ёғин-сочин деярли қузутилмайди. Йиллик ҳароратнинг энг паст даражаси ($-3,6^{\circ}\text{C}$) январ ойида, энг юқори даражаси ($25,5^{\circ}\text{C}$) июл ойида қузутилади. Январ ойида ҳароратнинг ўртача тебраниш амплитудаси $13,7^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

2.2. Тадқиқот объекти ва услуби

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида яратилган ва давлат реестрига киритилган ширин маккажўхори Шерзод ва бошқа истиқболли навлар тўпламини асосий ва тақрорий экинлар сифатида баҳоланиб, юқори ҳосил олиш технологиясини яратиш бўйича турли экиш усуллари – 70×15 , 70×20 , 70×25 , 70×30 , 90×15 , 90×20 ва 90×25 , 90×30 см схемаларида, гектарига 15, 20 ва 25 кг меъёрларда экилиб, таққосланди.

Тажрибада тадқиқот объекти қилиб дастлаб ширин маккажўхорининг ВИР дан келтирилган 13 та, кейинги йилда яна 4 та, жами 17 та нав – дурагайлар коллекцияси олинди. Ҳар бир нав – дурагай 4 тақрорда

(кайтариқда) экилди. Деянкани (пайкалча) майдони 10 – 15 м². Ширин маккажўхорини танланган дурагайлари ва истикболли Шерзод нави қулай экиш усулини аниқлаш мақсадида қуйидаги қатор оралиқларида синалди.

3-жадвал

Тажриба ўтказилган йиллар вегетация даври ойлари ўн кунликларида иқлим кўрсаткичларининг ўзгариши

Ойлар		Ҳаво ҳарорати, °С		Ёғингарчилик, мм		Тупроқ ҳарорати, °С (2006 йил)	
		Ўртача кўп йиллик	2006	Ўртача кўп йиллик	2006	10 см қатламда	20 см қатламда
Март	I	5,2	10,4	22,8	12,0	9,9	9,5
	II	8,2	6,3	18,1	80,2	7,7	8,5
	III	9,7	11,7	29,6	16,4	10,5	10,2
Ўртача ойлик		7,7	9,5	70,5	108,6	9,4	9,4
Апрел	I	12,1	11,0	20,9	47,4	11,9	12,2
	II	14,8	14,9	23,4	0,0	14,5	13,6
	III	16,4	15,9	18,9	5,5	17,3	16,0
Ўртача ойлик		14,4	13,9	63,2	5,5	14,6	13,9
Май	I	17,6	18,1	14,1	7,3	19,1	18,2
	II	19,4	24,2	10,1	35,4	23,4	21,5
	III	21,3	20,6	9,0	0,6	23,3	20,5
Ўртача ойлик		19,4	20,9	33,2	4,9	22,0	20,0
Июн	I	23,1	24,6	2,5	-	26,8	22,8
	II	24,6	25,9	0,6	-	28,5	25,0
	III	25,9	26,4	0,9	-	29,1	26,5
Ўртача ойлик		24,5	25,6	4,0	-	28,1	24,8
Июл	I	26,2	26,6	0,9	-	30,2	27,7
	II	26,4	23,0	1,5	13,3	26,7	25,4
	III	26,1	27,4	1,9	0,0	30,3	27,4
Ўртача ойлик		26,2	25,7	4,3	13,3	29,1	26,9
Август	I	25,3	0,0	0,0	0,0	29,3	28,0
	II	24,7	26,4	0,3	-	30,2	28,4
	III	22,7	25,8	0,1	0,0	28,9	27,9
Ўртача ойлик		24,2	25,5	0,4	0,0	29,5	28,1
Сентябр	I	21,1	22,9	0,3	0,0	27,3	26,2
	II	19,3	20,8	1,5	-	25,4	24,8
	III	17,2	19,3	2,0	-	23,1	22,4
Ўртача ойлик		19,2	21,0	3,8	0,0	25,3	24,5
Октябр	I	14,6	14,7	5,0	3,0	19,7	19,6
	II	12,5	12,2	6,4	10,3	14,0	14,6
	III	10,9	17,0	12,6	8,0	12,6	13,1
Ўртача ойлик		12,7	12,3	24,0	21,3	15,4	15,7

1. 70x15 см (95,2 минг туп/га) стандарт.
2. 70x20 см (71,4 минг туп/га)
3. 70x25 см (58,8 минг туп/га)
4. 70x30 см (47,6 минг туп/га)
5. 90x15 см (76,9 минг туп/га)

6. 90x20 см (55,5 минг туп/га)

7. 90x25 см (45,5 минг туп/га)

8. 90x30 см (37,0 минг туп/га)

Ширин маккажўхори Шерзод навини кулай экиш меъёрларини белгилаш мақсадида 15, 20 ва 25 кг га меъёрларда экиш ўзаро таққосланди.

Экиш усули ва меъёрлари бўйича деянкани майдони 56–72 м², такрорлар сони 3 – 4 та. Тажриба даласида барча кузатиш, тахлил, баҳолаш ва ҳисоблашлар ВИР (Методические указание по изучению и поддержании образцов коллекции кукурузы (1985) с использованием широкого унифицированного классификатора СЭВ и международной классификатора СЭВ вида *Zea mays* L., 1977), кишлок хўжалик экинларининг навларини синаш бўйича давлат комиссияси (1971) услублари, маккажўхори селекцияси бўйича услубий қўлланма (1982 – 1985 й) ҳамда агротавсиялар асосида олиб борилди.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари майдонида қуйидаги кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва тахлиллар олиб борилди:

- Тажриба даласининг агрокимёвий таърифи, ҳайдалма (0-30 см) қатламдаги гумус (И.В.Тюрин бўйича, 1983), ялпи азот, фосфор, калий (И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко бўйича, 1983) ҳамда нитрат азоти (Грандваль-Ляжу бўйича), ҳаракатчан фосфор (В.П. Мачигин бўйича, 1983), алмашинадиган калий (П.В.Протасов бўйича, 1983) аниқланди;
- Тупрокнинг (0-10, 10-20 см) намлиги термостат усулида;
- Тупрокнинг (0-10, 10-20 см) ҳарорати термометр ёрдамида;
- Турли навлар донининг лаборатория ва дала унвчанлиги;
- Ҳақиқий туп қалинлиги (униб чиқиш ва ҳосилни йиғиб олиш олдида);
- Фенологик кузатиш (экиш, униб чиқиш, 1, 2, 3 – чинбарг, рўваклаш, рўвакни гуллаши, сўталаш, сут, мум ва тўла пишишлар бошланиши

(10 %) ҳамда тўла (75 %) рўй бериш муддатлари) – Давлат нав синаш комиссияси (1984) услуги бўйича;

- Биометрик ўлчаш (ўсимлик бўйи, биринчи (дастлабки) сўтанинг жойлашиш баландлиги, тупланганлик, бош поядаги барглар сони ва сатҳи, бўғим ораликлар сони, сўталар сони) Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР, 1977; 1985) услугида;
- Навларнинг пуфакчали қорақуя билан касалланишини баҳолаш Н.М. Чекалин (1963) таклиф этган 5 балли шкала асосида;
- Ўсимликнинг ётиб қолишга чидамлилиги Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР, 1977; 1985) услугида (5 % гача ётса – юқори чидамли; 10 % ётса – чидамли; 30 % ётса – ўртача чидамли; 30 % дан ётиб қолган ўсимликлар ошса - чидамсиз);
- Тупнинг маҳсулдорлиги ҳар бир нав ва вариантда 10 та туп йиғишолди олиниб, тупдаги сўталар сони, сўталар вазни, сўтадаги дон қаторлари сони, сўта бир қаторидаги донлар сони, битта сўтадаги донлар сони ва вазни, сўтадан дон чиқими, 1000 та дон вазни Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР, 1977; 1985) услугида ўрганилди;
- Сут – мум пишиш даврида сўта, силос масса ва стандарт намлик бўйича дон ҳосилдорлиги;
- Ҳосилдорлик кўрсаткичлари дисперсион анализ усули билан Б.А.Доспехов (1985) бўйича статистик ишланди;
- Ширин маккажўхори истиқболли навлари қулай экиш қалинлигида ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги “2001-2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонда дон учун маккажўхори ўстириш ва ҳосилини йиғиш бўйича технологик харитаси” га мувофиқ ҳисобланди.

Тажрибаларда ширин маккажўхорини асосий ва такрорий экин сифатида экиш, парваришlash ва ҳосилини йиғиш технологияси агротавсия (2005) асосида ўтказилди.

3. ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВЛАР ТЎПЛАМИНИ

БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

3.1. Ширин маккажўхори навларини ўсиши ва ривожланиши

Фенологик кузатиш. Ширин маккажўхори навлар коллекцияси (жами 17 та нав намуналари) 12 апрелда 70х20 см схемада экилиб, униб чиқиш, 1, 2, 3-чинбарг, рўваклаш, рўвакни гуллаши, сўталаш, сут, мум, тўла пишишлар бошланиши (10 %) ва тўла (75 %) рўй бериш муддатлари аниқланди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, стандарт Шерзод ва Qubсу market (К – 162) навида 28 апрелда ва Местная (К – 145) ва Краснодар-556 навларида эса 3-4 майда униб чиқиш кузатилди.

Биринчи чинбарг чиқариш стандарти Шерзод навида 2 майда, қолган синалган навларда эса 1-6 майда кузатилди. 2007 йилда ҳам шундай қонуният кузатилиб, 2-4 кун олдин экилгани учун фазаларни кечиши ҳам 2-3 кун олдин бўлди.

Рўваклаш фазаси энг эрта иккала тажриба ўтказилган йилда ҳам 7-10 июнда Harris Early Bentan (К - 157), Alpha (К – 158) навларида энг кеч эса 12-13 ва 15-16 июнда Golden Rod (К – 149), Wipplis Early white (К – 150), Early Down (К – 152), Местная (К – 145) навларида кузатилди. Сўталаш фазаси навлар бўйича 9 июндан 15 июнгача кузатилди (4 – жадвал).

Мум пишиш стандарт Шерзод навида 23 июлда кузатилди. Энг эрта мум пишиш тажриба ўтказилган йилларда 15-18 июлда Alpha (К – 158) навида кузатилди. Тўла пишиш эса барча навларда июл ойининг охири, августнинг 1-3 кунларида кузатилди.

Фенологик кузатиш натижаларига кўра, ширин маккажўхори навларида бир хил шароитда, бир хил агротадбирлар ўтказилишига қарамасдан нав белгисига қараб, ўсув фазаларининг давомийлиги 90-95 кунни ташкил қилди.

Тажрибаларда ширин маккажўхорининг биометрик кўрсаткичлари – ўсимлик бўйи, биринчи (дастлабки) сўтанинг жойлашиш баландлиги, тупланганлик, бош поядаги барглар сони, бўғим оралиқлар сони, сўталар сони аниқланди (5-жадвал).

**Ширин маккажўхори навларида фенологик кузатиш натижалари
(экиш - 12.04.07).**

Нав номи	Униб чиқиш	1-чин барг	2-чин барг	3-чин барг	Рўвак- лаш	Рўвакнинг гуллаши	Сўталаш	Сут пишиш	Мум пишиш	Тўла пишиш
Шерзод (стандарт)	25.04	30.04	1.05	7.05	11.06	17.06	28.06	14.07	23.07	29.07
Golden Rod (K-149)	25.04	30.04	2.05	8.05	13.06	15.06	27.06	15.07	22.07	28.07
Wipplis Early white (K-150)	23.04	29.04	1.05	4.05	12.06	16.06	27.06	13.07	18.07	27.07
Early Down (K-152)	24.04	27.04	1.05	4.05	12.06	15.06	28.06	16.07	21.07	28.07
Hic Rox (K-153)	23.04	28.04	1.05	3.05	11.06	16.06	28.06	14.07	20.07	29.07
Harris Early Bentan (K-157)	23.04	26.04	1.05	3.05	7.06	11.06	19.06	7.07	17.18.07	27.07
Alpha (K-158)	24.04	27.04	1.05	3.05	7.06	12.06	20.06	1.07	15.07	24.07
Scohords dis Early (K-160)	24.04	28.04	3.05	6.05	10.06	17.06	27.06	15.07	21.07	30.07
Early Hampshice (K-161)	24.04	30.04	1.05	4.05	9.06	17.06	27.06	16.07	22.07	1.08
Quhcy market (K-162)	25.04	1.05	3.05	5.05	11.06	18.06	26.06	15.07	22.07	30.07
Morses Golden Cream (K-163)	1.05	2.05	8.05	11.05	10.06	15.06	29.06	15.07	21.07	27.07
Местная (K-145)	1.05	3.05	8.05	12.05	12.06	17.06	1.07	16.07	21.07	30.07
Краснодар-556	22.04	26.04	1.05	4.05	9.06	14.06	29.06	15.07	21.07	30.07
Кубан – 183	25.04	30.04	2.05	8.05	12.06	17.06	28.06	15.07	22.07	28.07
Кримка – 308	25.04	30.04	2.05	8.05	12.06	17.06	28.06	16.07	21.07	29.07
Ставропольский	24.04	28.04	1.05	8.05	15.06	19.06	24.06	18.07	22.07	28.07
Регион	23.04	27.04	3.05	9.05	13.06	18.06	24.06	17.07	24.07	30.07

Ўрганилаётган навларда биометрик кўрсаткичларни ўрганиш натижасида энг баланд ўсимликлар – 126,9 см стандарт Шерзод навида ва энг паст бўйли ўсимликлар – 94,7-100,8 см, Alpha (K-158) ва Scohords dis Early (K-160) навларида кузатилди. Бу йил синалган Регион навининг ўсимлик бўйи 142,1 сантиметрни ташкил этиб энг баланд бўйли бўлди.

Нав белгисига қараб дастлабки сўталарни жойланиш баландлиги ҳар хил бўлди. Айрим навларда дастлабки сўтанинг жойланиш баландлиги жуда паст 7,0 – 7,9 дан 9,0 – 9,1 см бўлса Scohords dis Early (K-160), Harris Early Bentan (K-157), Alpha (K-158), баъзи навларда 41,9-44,0 ва 45,1 см, Шерзод, Нис Rox (K-153), Early Down (K-152) навлар, энг баланд жойлашиш – 97,7-98,6 см Краснодар – 556 навида кузатилди.

Маълумотларга кўра, ўртача ширин маккажўхори навларида дастлабки сўтанинг жойлашиши 45-50 см да кузатилган (6 – жадвал).

Бош поядаги барглар сони – навлар ва йиллар бўйича 7,9 дан 14,4 донагача ўзгарди. Нисбатан баргланган нав Регион ва Шерзод навлари бўлди.

Маълумки ўсимликларда баргланганлик даражаси муҳим кўрсаткич бўлиб, маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик шунга боғлиқ бўлади.

Тажриба ўтказилган йилларда навлар бўйича бош поядаги барглар сони энг кам 7,9 дона Нис Rox (K-153) навида, 8,0 дона Harris Early Bentan (K-157) навида, 8,5 дона Morses Golden Cream (K-163), Местная (K-145) навларида кузатилди.

Энг кўп барг сони 14,4 дона – Регион, 13,1 дона Шерзод ва 12,1 дона Ставропольский навларида бўлди.

Маккажўхорида ҳосилдорлик асосан иккита кўрсаткичга, бир тупдаги сўталар сони ва бир гектардаги туплар сонига боғлиқ. Бир тупдаги сўталар сони – 1,1-4,1 донагача ўзгариб, кўп сўтали навлар – Шерзод, Регион, Golden Rod (K – 149) бўлди.

**Ширин маккажўхори навларининг биометрик кўрсаткичлари
(2007 йил)**

Нав номи	Ўсимлик бўйи, см	Биринчи (дастлабки) сўтанинг жойланиш баландлиги, см	Тупланганлик	Бош барглр поядағони	Бош бўғим органлари	Сони Бир сўталар тупдағи	Сўтағий сони	Ўсимликлар
Шерзод (стандарт)	126,9	45,1	1	13,1	7,9	3,7	0	
Golden Rod (K-149)	114,7	9,8	1	10,3	7,1	3,9	0	
Wipplis Early white (K-150)	107,9	10,3	1	7,06	9,0	1,7	0	
Early Down (K-152)	108,1	44,0	1	11,8	9,8	1,3	0	
Hic Rox (K-153)	107,3	41,9	0	8,1	7,1	1,5	0	
Harris Early Bentan (K-157)	102,1	9,1	0	8,7	8,7	1,3	0	
Alpha (K-158)	94,7	9,0	0	10,3	6,3	1,1	0	
Scohords dis Early (K-160)	100,8	7,0	1	10,6	6,0	1,9	0	
Eariy Hampshice (K-161)	111,3	12,1	2	10,1	9,9	1,8	0	
Quhcy market (K-162)	119,1	20,8	2	8,8	8,9	2,1	0	
Morses Golden Cream (K-163)	107,6	42,4	1	8,0	7,3	2,0	0	
Местная (K-145)	107,1	17,9	2	8,7	7,1	2,4	0	
Краснодар-556	108,8	97,9	1	8,7	8,9	1,7	0	
Кубан – 183	104,8	42,5	1	1,0	7,8	3,3	0	
Кримка – 308	98,3	37,0	1	10,0	8,4	3,0	0	
Ставропольский	120,9	44,0	2	12,1	9,2	3,6	0	
Регион	142,1	56,3	2	14,4	10,5	4,1	0	

Тажриба ўтказилган йилларда сўтасиз ўсимликлар кузатилмади.

Маълумки, маккажўхори ўсимлиги пуфакчали қоракуя касаллиги билан кўп зарарланади. Тажрибаларда умум қабул қилинган услублар бўйича касалланиш даражаси ўрганилди.

Ўрганилаётган нав намуналарида сўтанинг пуфакчали қора куя билан касалланиши фақат Hic Rox (K – 153), Harris Early Bentan (K – 157), Alpha (K – 158) навларида кузатилиб касалланган ўсимликлар 2-3 % ни ташкил қилди.

Ётиб қолишга чидамлилигини ўрганиш натижасида нав намуналарининг ётиб қолишга юқори чидамли эканлиги қайд этилди.

Синалган навларда зараркунандалар билан зарарланиш ўртача 1-2 баллни ташкил этди.

Нав намуналарида туп ер остки ва ер ўстки қисмларининг куруқ ҳамда хўл ҳолларда аниқланганда навлар бўйича кескин фарқ кузатилди. Энг оғир ер устки хўл массаси 552,0 г Регион, 536,7 г Шерзод навларида ва 381,0 г Morses Golden Cream (K – 163) навида кузатилди.

Тупнинг барг сатхи – навлар бўйича 4740,9 (Нис Рох) дан 9989,2 см² гача (Регион) ўзгарди (6 –жадвал).

3.2. Ширин маккажўхори навларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Ширин маккажўхори навларида маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш учун куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди:

- тупдаги сўталар сони;
- сўталар вазни;
- сўтадаги дон қаторлари сони;
- сўта бир қаторидаги донлар сони;
- битта сўтадаги донлар сони;
- битта сўтадаги дон вазни;
- сўтадан дон чиқими;
- мингта дон вазни.

Ушбу кўрсаткичлар бўйича олинган маълумотлар 7 – жадвалда берилган.

Ширин маккажўхори сўтасининг вазни, сўтадаги дон қаторлари, бир қатордаги донлар сони, сўтадаги донлар сони, вазни ва дон чиқими фози бошқа маккажўхори турларидан фарқ қилади.

Тажрибада шу кўрсаткичлар ўрганилиб, сўтаси энг майда ва вазни кичик навлар 201,9 г - Нис Рох (K-153) навида кузатилди, энг йирик сўталар эса – 628,8 г – Местная (K-145) ва 1009,9 г - Quhcy market (K-162) навида аниқланди. Навлар бўйича сўтадаги дон чиқими энг паст - 80,1 % Alpha (K-158) навида, энг юқори - 91,3 % Scohords dis Early (K-160) навида бўлди, қолган навларда дон чиқими 82-88 % ни ташкил қилди (7 - жадвал).

6-жадвал

**Ширин маккажўхори навларида айрим туп кўрсаткичлари, касаллик ва ётиб қолишга
чидамлилиги (2007 йил)**

Нав номи	Сута пуфакчали кора куя билан касалланган ўсимликлар					Ётиб қолиши				Зарарку- нандалар билан шикастлан- ган барг, поя, сута сони	Тупнинг ер				Тупнинг		
	1 балл гача	01% 10% гача	31% 45% гача	41% 50% гача	5 балл дан	50% қори чидамли гача	Чидамли 50% гача	Уртача гача гача	Чидамсиз 30% гача		Остки вазни, г		Устки вазни, г		Барг сони	Барг эни узунлиги, см	Барг хи см ² , сат
											хул	қурук	хул	қурук			
Шерзод (стандарт)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	536,7	525,0	650,1	532,1	9,6	9.1 x 75.0	6552,0
Golden Rod (K-149)	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	153,0	146,0	203,0	195,1	9,0	9.6 x 65.0	5616,0
Wipplis Early white (K-150)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	3	256,9	237,3	337,0	321,1	9,4	8.6 x 64.0	5173,8
Early Down (K-152)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	3	234,8	221,0	300,0	289,9	8,7	8.4 x 67.1	4903,7
Hic Rox (K-153)	0	2	0	0	0	0	0	0	0	1	239,7	228,9	301,0	293,4	8,8	8.2 x 65.7	4740,9
Harris Early Bentan (K-157)	0	3	0	0	0	0	0	0	0	2	75,7	70,0	102,1	91,7	8,6	8.1 x 74.9	5217,5
Alpha (K-158)	0	2	0	0	0	0	0	0	0	3	102,1	96,0	151,7	140,1	9,0	9.3 x 75.0	6277,5
Scohords dis Early (K-160)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	65,3	61,0	107,3	97,9	9,2	9.8 x 75.1	6771,0
Early Hampshice (K-161)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	112,0	200,6	259,4	251,0	8,5	10.3 x 78.0	6828,9
Qahcy market (K-162)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	147,9	140,0	203,0	192,7	9,6	9.9 x 77.1	7327,6
Morses Golden Cream (K-163)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	381,0	370,0	570,4	560,3	9,7	10.7 x 72.4	7514,4
Местная (K-145)	0	0	0	0	0	0	0	0	0	2	301,0	255,7	465,1	400,0	9,5	9.9 x 83.3	7834,4
Краснодар-556	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	345,0	302,8	500,1	443,0	9,7	10.7 x 87.1	9040,0
Кубан – 183	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	401,5	384,3	647,4	646,1	9,0	9.4x80.0	6768,0
Кримка – 308	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	290,6	271,0	361,0	339,4	8,4	9.1x78.7	6015,8
Ставропольский	0	0	0	0	0	0	0	0	0	2	394,0	365,5	445,1	417,2	9,8	11.0x84.0	9055,2
Регион	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	552,0	538,0	590,9	571,4	10,0	11.3x88.4	9989,2

Сабзавот (ширин) маккажўхори навлар тўпламининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари (2007 йил)

Нав номи	Тупдаги сўталар сони	Сўталар вазни, г	Сўтадаги дон қаторлар сони, дона	Сўтанинг 1 қатор- даги донлар сони, дона	Битта сўтадаги донлар сони, дона	Битта сўтадаги донлар вазни, г	Сўтадаги ўзак вазни, г	Сўтадан дон чиқими, %	1000 дона дон вазни, г
Шерзод (стандарт)	3.7	510.8	12.6	41.2	497.1	132.3	26.2	80.2	281.0
Golden Rod (K-149)	3.9	559.2	12.4	39.3	486.5	134.5	26.3	80.4	249.4
Wipplis Early white (K-150)	1.7	202.0	14.5	42.5	529.4	137.3	27.2	80.2	231.3
Early Down (K-152)	1.3	354.5	14.5	23.3	261.6	127.8	21.4	82.3	243.5
Hic Rox (K-153)	1.5	204.2	12.3	22.5	204.5	148.0	19.6	86.8	234.1
Harris Early Bentan (K-157)	1.3	205.3	14.3	15.3	168.1	142.4	18.7	86.9	243.4
Alpha (K-158)	1.1	155.2	9.7	21.6	166.4	83.2	18.3	78.0	253.6
Scohords dis Early (K-160)	1.9	555.4	15.6	33.2	412.1	211.9	22.1	89.6	262.5
Early Hampshice (K-161)	1.8	463.2	15.3	29.5	361.5	136.2	22.6	83.4	269.5
Qulscy market (K-162)	2.1	1012.6	15.3	27.2	366.1	249.2	27.6	88.9	268.3
Morses Golden Cream (K-163)	2.0	406.9	9.7	33.1	265.2	154.1	34.1	77.9	264.2
Местная (K-145)	2.4	630.4	19.3	24.5	386.7	162.4	32.5	80.0	213.5
Краснодар-556	1.7	550.4	14.6	31.2	487.3	143.5	39.3	86.6	215.7
Кубан – 183	3.3	480.6	14.1	40.2	463.2	130.1	22.0	83.1	284.0
Кримка – 308	3.0	440.0	12.8	35.1	420.6	125.0	21.0	83.2	240.8
Ставропольский	3.6	505.2	12.2	37.7	448.0	126.6	20.4	83.9	259.7
Регион	4.1	562.1	14.5	44.3	534.3	139.0	22.8	83.6	291.0

3. 3. Навлар ҳосилдорлиги

Тажриба ўтказилган йилларда ширин маккажўхорининг такрорлар бўйича ўртача дон ҳосилдорлиги ва силос масса ҳосилдорлиги ўрганилди.

Навлар бўйича дон ҳосилдорлиги 1,5-6,1 т/га гача ўзгарди. Энг юқори ҳосилли навлар - Quhcy market (К-162) бўлди. Стандарт Шерзод нави 5,7 т/га ҳосил берди. Энг паст ҳосилдорлик 1,5-1,6 т/га Wipplis Early white (К – 150) ва Нис Роҳ (К – 153) навларида қайд этилди (8 -жадвал).


8-жадвал

Ширин маккажўхори навлар тўпламининг дон ҳосилдорлиги, (2007 йил)

Нав номи	Такрорлар бўйича дон ҳосилдорлиги, т/га			Ўртача, т/га	Стандарт налга нисбатан фарқ	
	I	II	III		т/га	%
Шерзод (стандарт)	5,6	5,8	5,6	5,7	-	100
Golden Rod (К-149)	3,5	3,3	3,6	3,5	-2,2	61,4
Wipplis Early white (К-150)	1,3	1,7	1,6	1,5	-4,2	26,3
Early Down (К-152)	2,4	2,4	2,5	2,4	-3,3	42,1
Нис Роҳ (К-153)	1,6	1,7	1,5	1,6	-4,1	28,1
Harris Early Bentan (К-157)	1,7	1,9	1,7	1,8	-3,9	31,5
Alpha (К-158)	1,9	1,8	1,7	1,8	-3,9	31,5
Scohords dis Early (К-160)	2,6	2,6	2,3	2,5	-3,2	43,9
Early Hampshice (К-161)	3,4	3,9	3,5	3,6	-2,1	63,2
Quhcy market (К-162)	5,8	6,1	6,4	6,1	0,4	107
Morses Golden Cream (К-163)	2,6	2,3	2,6	2,5	-3,2	43,9
Местная (К-145)	5,1	5,3	4,9	5,1	-0,6	89,5
Краснодар-556	4,1	4,4	4,4	4,3	-1,4	75,4
Кубан – 183	5,0	5,7	5,5	5,4	-0,3	94,7
Кримка – 308	4,1	5,4	4,9	4,8	-0,9	84,2
Ставропольский	4,8	5,6	4,9	5,1	-0,6	89,5
Регион	6,2	7,5	6,7	6,8	1,1	119,3

P = 2,9 %

ЭКФ₀₅ = 1,2 т/га



1 – диаграмма. Ширин маккажўхори нав тўплamlарининг дон ва силос масса ҳосилдорлиги, т/га

Навлар бўйича силос масса ҳосилдорлиги гектарида 7,7 Harris Early Bentan (К-157) дан 39,1 тоннагача (Шерзод) ўзгарди. Юқори силос масса тўплаган Регион, Ставропольский, Шерзод ва Краснодар-556 навлари бўлиб, энг паст силос масса тўплаган нав – Harris Early Bentan (К – 157) бўлди (9 – жадвал).


9-жадвал

**Ширин маккажўхори навлар тўпламининг силос масса
ҳосилдорлиги, (2007 йил)**

Нав номи	Такрорлар бўйича силос масса ҳосилдорлиги, т/га			Ўртача, т/га	Стандарт навга нисбатан фарқ	
	I	II	III		т/га	%
Шерзод (стандарт)	39,0	39,3	39,0	39,1	-	100
Golden Rod (К-149)	14,7	14,5	15,8	15,0	-24,1	38,6
Wipplis Early white (К-150)	22,7	22,3	24,7	23,3	-15,8	59,5
Early Down (К-152)	21,1	20,7	22,5	21,4	-16,7	54,7
Hic Rox (К-153)	21,8	21,7	21,9	21,8	-17,3	55,7
Harris Early Bentan (К-157)	7,6	7,8	7,7	7,7	-31,4	19,7
Alpha (К-158)	10,9	10,8	11,8	11,1	-28,0	28,4
Scohords dis Early (К-160)	7,7	7,8	7,9	7,8	-31,3	19,9
Eariy Hampshice (К-161)	18,9	19,1	19,1	19,0	-20,1	48,6
Quhcy market (К-162)	15,7	14,9	15,1	15,2	-23,9	38,8
Morses Golden Cream (К-163)	19,7	19,7	20,2	19,9	-19,2	51
Местная (К-145)	18,7	19,4	19,7	19,3	-18,8	49,3
Краснодар-556	36,1	37,7	37,8	37,2	-1,9	95,1
Кубан – 183	33,4	34,8	35,0	34,4	-4,7	88
Кримка – 308	30,7	32,6	32,1	31,8	-7,3	81,3
Ставропольский	36,6	38,8	38,3	37,9	-1,2	96,9
Регион	39,7	44,0	43,2	42,3	+3,2	108,2

$$P = 3,1 \%$$

$$ЭКФ_{05} = 7,8 \text{ т/га}$$



2 – диаграмма. Ширин маккажўхори навларининг стандарт навга нисбатан фарқи

4. ШИРИН МАККАЖЎХОРИНИ АСОСИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

4.1. Ширин маккажўхори ўстириш ва ҳосилини йиғиш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Маккажўхори барча кенжа турлари сингари ширин маккажўхори ҳам сурункасига бир далага қайта – қайта экилишга чидамли. Ўзбекистонда маккажўхори асосан суғориладиган ерларда экилади. Уни беда, ғўза, картошка, полиз экинлари, кузги дон экинларидан кейин жойлаштириш яхши натижа беради. Лавлагидан кейин маккажўхори жойлаштирилса фосфатларнинг ўзлаштирилиши, озиқланиш шароити ёмонлашади. Дуккакли дон экинларидан кейин маккажўхорини жойлаштириш ҳам ҳосилдорликни оширади, дон сифатини яхшилайти.

Алмашлаб экишларда маккажўхорини жойлаштириш бир гектардан озиқа бирлиги чиқишини кўпайтиради, суғориладиган ерлар самарадорлигини оширади.

Маккажўхори кузги буғдой, кузги арпа, картошка, полиз экинлари учун яхши ўтмишдош. Уни сурункасига бир далада 4-5 йил, қоракуя бўлмайдиган майдонларда 10-15 йил жойлаштириш мумкин. Бу экинни ферма олди алмашлаб экишларда, фермага яқин майдонларга экиш, органик ўғитларни кўпроқ солишга, ҳосилни йиғиштириш, сақлаш, ташиш ишларини, харажатларини камайтиришга имкон беради.

Кейинги йилларда ўтказилган тажрибаларда алмашлаб экишда маккажўхорини ўт даласига жойлаштириш йўли билан ундан юқори ҳосил етиштириш ҳисобига кўп ем-хашак олиш имкони борлиги аниқланди.

Маккажўхорини беда ва бошқа ем-хашак экинлари билан кўшиб экилганда алмашлаб экишнинг ўт далалари ҳосилдорлиги ошишини тажрибалар исботлади.

Маккажўхори ва беда биргаликда ўстирилганда, уларнинг ер устки қисмидаги азот алоҳида-алоҳида экилганидани кам бўлмайди. Масалан, алоҳида-алоҳида экилганда беданинг ер устки қисмида азот 2,767 %,

маккажўхорида 1,365 %, бирга экилганда эса, бедада 2,842 %, маккажўхорида 1,627 % азот бўлган.

Бирга экилган экинларнинг ер остки қолдиқларида азот ва фосфор миқдори камаймайди, аксинча беда маккажўхори билан бирга экилганда уни бир ўзи экилгандагига нисбатан илдиз ва анғиз қолдиқларида азот 0,322 ва фосфор миқдори эса 0,177 % ошган.

Беда билан маккажўхори бирга ва беданинг ўзи алоҳида экилганда уларнинг тупроққа таъсири бир хил бўлди. Шунинг учун пахта ҳосилдорлиги ҳам эскидан ҳар йили экилиб келаётган ердагига нисбатан анча юқори бўлади.

Маккажўхори алмашлаб экишда бир қанча экинлар учун қулай ўтмишдош бўлиши мумкин. Маккажўхоридан кейин кузги арпа, буғдой, эртаги картошка, сабзи, карам экиш мумкин.

Маккажўхорини сурункасига бир далага экиш, пуфакчали қоракуя касаллигининг кўпайишига, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Даладан маккажўхори ҳосили йиғиштирилгач ҳар гектарда 70–80 ц илдиз ва бошқа ўсимлик қолдиқлари қолади ва келгуси ёзгача чириб, тупроқда ўсимлик ўзлаштирадиган 50–55 кг азот, 20–25 кг фосфор қўшилади.

Тупроқни ишлаш. Тупроқни асосий ишлаш усули ва чуқурлиги ўтмишдош экиннинг хусусиятига, тупроқ маданий қатламининг қалинлигига, далани ўт босганлик даражасига, тупроқ турига, ўтган йил шудгорлаш чуқурлигига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Ўўзадан бўшаган майдонларнинг ҳайдаш қатлами қалин бўлса 25-28 см, айрим йиллари 40-45 см чуқурликда кузги шудгор қилинади. Тупроқ бир йил чимқирқарли икки ярусли плуглар билан 40-45 см чуқурликда ҳайдалса, иккинчи йили 25-28 см чуқурликда, учинчи йили яна 40-45 см чуқурликда ҳайдалади. Шундай ҳайдаш тизими қўлланилганда анғиз қолдиқлари, бегона ўт уруғлари, зараркунандалар ғумбаклари, касаллик манбалари икки йил давомида тупроқ тагида тўла чирийди, зарарсизлантирилади, тупроқ унумдорлиги ошиб боради Кузги шудгор республикамизнинг шимолий

минтақасида 20-30 октябрдан 30 ноябргача, жанубий минтақаларда 15 декабргача тугалланади.

Янги ўзлаштирилган ерлар биринчи йили 20-22 см чуқурликда, кейинги йиллари ҳар йили 2-3 см чуқурлаштирилиб ҳайдалади.

Механик таркиби оғир, зич гипслашган қатлами 40-50 см чуқурликда жойлашган тупроқлар, ҳайдаш олдида 40-50 см чуқурликда махсус асбоблар билан юмшатилади, кейин 25-30 см чуқурликда ҳайдалади.

Кучли ўт босган далаларни икки ярусли плуглар билан 35-40 см чуқурликда ҳайдаш, бегона ўтларни камайтиради, 27 см чуқурликда ҳайдашга нисбатан дон ҳосилдорлигини 10 ц/га оширади.

Ўзадан бўшаган ерни кузда ҳайдаш учун биринчи навбатда ўзапоя карчиёвка қилиниб, даладан чиқарилади. Далани ҳайдашдан олдин 10-15 тонна чириган гўнг ва фосфор йиллик нормасининг 50-60 % и ер юзасига солинади, кейин яхшилаб ағдариб ҳайдалади.

Маълумки, ерни шудгорлашда тупроқ уваланади ва етилади. Экиш пайтига келиб, ернинг ҳайдалма қатлами ўсимлик талабига жавоб берадиган ҳолатда бўлади. Типик бўз ва шўрланмаган ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламининг ҳажм массаси $1,1-1,25 \text{ г/см}^3$, оч бўз тупроқники эса $1,2-1,4 \text{ г/см}^3$ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам керагидан ортиқ бороналаш ва бошқа тадбирлар билан тупроқни зичлаш ярамайди, аксинча, ўсимликнинг бутун ўсув даврида тупроқнинг зичланиб кетишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик машиналари, тракторлар дала бўйлаб мумкин қадар камроқ юриши лозим.

Тупроқни баҳорда мумкин қадар камроқ зичланиши учун бир неча иш тракторнинг дала бўйлаб бир марта юришидаёқ кўзда тутилган ишни бажаришига эришиш керак. Масалан, чизеллаш билан бир вақтда ўғит бериш, бороналаш ва молалашни ҳам бир пайтда ўтказиш мумкин.

Ерни экиш олдида ишлаш. Тупроқни экиш олдида тўғри ишлаш маккажўхоридан юқори ҳосил олиш гаровидир. Экиш олдида тупроқни ишлаш характери шудгорнинг ҳолатига боғлиқ. Агарда шудгор қилинган

даланинг тупроғи зичлашмаган ва ўт босмаган бўлса, уни экишдан 1-2 кун олдин икки изда бороналаш ва уруғ экиладиган куни молалаш мумкин. Мола тупроқнинг механик таркибига кўра 1-3 марта юргизилади. Механик таркиби оғир тупроқларда 1 марта, ўртача соз тупроқларда эса 2 марта, енгил соз ва кумок тупроқларда 3 марта мола босилади. Мола тупроқнинг юза қатламини зичлаб, экилган уруққа намнинг пастдан сизиб келишини яхшилайти. Мола яхши босилмаган ерда уруққа шамол тегиб куриб қолиши мумкин.

Агарда шудгорланган дала тупроғи зичлашган, лекин ўт босмаган бўлса, экиш олдидан 10-12 см чуқурликда чизеллаш, борона ва мола бостириш билан чекланса бўлади. Бу иш тупроқ шароитига қараб экишдан 3-4 кун олдин ўтказилиши лозим. Лекин бундай ҳолларда ҳам экиш билан бир вақтда яна бир марта борона ва мола қилинса яхши бўлади.

Агарда шудгор қилинган даланинг тупроғи зичланган ва ўт босган бўлса, экишга қадар 6-8 кун илгари ёппасига 10-12 см чуқурликда культивация ўтказилади ва икки изда борона қилинади. Шундай қилинганда бегона ўтлар йўқ бўлади. Кейин экиш билан бир вақтда борона ва мола юргизилади.

Ўғитлаш. Маълумки, меъёрида озиклантирилган маккажўхори ўсимлиги жуда кўп ер устки массаси ва кучли илдиз системаси ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам тупроқдан кўп озик моддаларни ўзлаштириб олади. Масалан, 500-700 ц силос масса ёки 60-70 ц дон ҳосил қилиш учун маккажўхори тупроқдан 150-180 кг азот, 50-60 кг фосфор ва 150 кг калий олади.

Органик ўғитни асосан ер ҳайдаш олдидан бериш лозим. Бунинг учун ўғит махсус гўнг сочадиган асбоблар ёрдамида ерга сепилади ва ўша куниёқ ҳайдалади. Экиш олдидан бериш лозим бўлганда эса чириган ва майдаланган гўнг ер бетига сепилади ва бороналар ёрдамида тупроққа аралаштирилади.

Органик ўғитларни минерал ўғитлар билан қўшиб бериш жуда ҳам самарали ҳисобланади. Чунки маккажўхорининг озикқа бўлган талаби биринчи вақтда минерал ўғитлар, кейинроқ, гўнг чирий бошлаши билан эса

органик ўғитлар ҳисобига қондирилади. Ҳар гектар ерга бериладиган гўнг меъёри тупроқ унумдорлигига, режалаштирилган ҳосилдорликка боғлиқ. Унумдорлиги ўртача бўлган ерлардан 600-700 ц силос масса ёки 80-90 ц дон олиш учун ҳар гектар ерга 15-20 тонна гўнг солиш лозим.

Маккажўхорини экиш билан бир вақтда ўғит бериш ҳам юқори ҳосил олишда катта аҳамиятга эга. Чунки дастлабки вақтда озиқ моддаларнинг, айниқса фосфорнинг етишмаслиги туфайли ўсимликнинг кейинги тараққиёти, масалан, сўта олиши сусаяди. Маккажўхорининг фосфорга бўлган талаби майса ҳосил бўлгандан 10-15 кун кейин кескин ошади. Шунинг учун ҳам экиш билан бир вақтда берилган фосфор маккажўхори ер устки ва илдиз системасининг ривожланишини тезлаштиради ва ҳосилни оширади.

Экиш билан бирга ҳар гектар ерга 500-600 кг миқдорида курук майдаланган гўнг, 10-15 кг азот ва 7-8 кг фосфор берилади. Экиш вақтида кўп миқдорда фосфорли ўғитлар берилса, қўшимча ҳосилдорликни анча камайтиради. Масалан, И.В.Гулякин (1964) маълумотига кўра, маккажўхорининг экиш билан ўғит берилмаганда ҳар гектарида 50 ц, экиш вақтида гектарига 5 кг суперфосфат берилганда 53,3 ц, 10 кг берилганда эса 51,7 ц, ўғит меъёри 20 кг га етказилганда 50,5 ц дон ҳосили олинган.

Экиш билан бир вақтда минерал ўғит, айниқса, азот ва калий берилган пайтда ўғит билан уруғ ўртасида маълум тупроқ қатлами масофа бўлиши керак.

Масалан, уруғ билан гектарига 10 кг фосфор уяга берилганда олинган қўшимча ҳосил 4,1 ц ни, шунча ўғит уянинг ёнига солинганда эса 8,9 ц ни ташкил қилган, 10 кг фосфор ва 5 кг азот уяга солинганда мўлжалдагидан 5,3 ц кам, ёнига солинганда 10,2 ц қўшимча ҳосил олинган.

Маккажўхорини ўсув даврида камида 2 марта озиқлантириш лозим. Биринчи марта ўсимлик 3-4 барг чиқарганда, иккинчи марта мумкин қадар кечроқ – рўвак чиқаришга яқин озиқлантириш зарур.

Биринчи озиқлантиришда гектарига 80-90 кг азот, 40-60 кг фосфор, 30-40 кг калий, иккинчи озиқлантиришда эса 70-100 кг азот, 60-70 кг фосфор берилиши лозим. Маккажўхорини озиқлантириш меъёри тупроқ унумдорлиги ва кузда берилган ўғитларнинг миқдорига қараб белгиланади.

Биринчи озиқлантиришда берилаётган ўғитлар ўсимлик қаторига яқин (12-15 см), иккинчиси эгат ўртасига (16-17 см чуқурликка) солинади.

Маккажўхорига ўсув даврида бериладиган минерал ўғитларни органик ўғитлар билан аралаштириб бериш яхши самара беради.

Маккажўхорининг ҳар гектарига жами – шудгорлашда, экиш вақтида ва ўсув даврида солинадиган ўғитлар миқдори ўрта ҳисобда 160-190 кг азот, 90-120 кг фосфор ва 80-120 кг калий бериш тавсия этилади.

Маккажўхорини ўғитлаш меъёрини белгилашда тупроқ унумдорлиги ва механик таркиби албатта ҳисобга олиниши лозим. Унумдор тупроқларга кучсизларига нисбатан камроқ ўғит солинади. Енгил механик таркибли тупроқларга кўпроқ калий, оғир тупроқларга эса кўпроқ фосфор бериш лозим.

Уруғни экишга тайёрлаш. Маккажўхори уруғлари экишдан олдин тозаланиб, калибровка қилинади, дориланади. Маккажўхорининг 1-синф уруғларининг унувчанлиги 96 %, иккинчи синфники 92 % дан кам бўлмаслиги лозим.

Уруғлар Раксил (1,5 кг/т), Понактин (2 кг/т), Витовакс (2-3 кг/т) билан дориланади. Уруғлар экиш олди бор кислотасининг 0,01-0,03 %, марганец сульфатнинг 0,03-0,05 % ли эритмаси билан ишланиб экилганда ҳосилдорлик 14,4-15,4 ц/га ошган.

Уруғлар 8-10 % аммиакли селитра эритмасига солинса пуч уруғлар эритманинг юзасига қалқиб чиқади, йирик, тўла уруғлар чўқади. Чўккан уруғлар эритмадан олиниб 4-5 кун ёйиб қуритилса, уларнинг унувчанлиги ошади.

Экиш муддатлари. Баҳорда экиш тупроқ уруғ кўмиладиган чуқурликда 10-12 °С қизиганда бошланади. Жуда эрта экилганда уруғлар чириб кетади,

кеч экилганда бегона ўтлар босиши мумкин. Экишни қулай календарь муддатлари аниқланган бўлиши керак.

Ўзбекистонда Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида апрелнинг иккинчи ярми, жанубий Сурхандарё, Қашқадарё вилоятларида март ойининг иккинчи ярми, Бухоро, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларида мартнинг охириги ўн кунлиги, Тошкент, Сирдарё вилоятларида апрелнинг биринчи ўн кунлиги, Фарғона водийсида мартнинг охириги ўн кунлиги, апрелнинг бошланиши маккажўхорини донга экишнинг қулай муддатлари ҳисобланади. Маккажўхорини чигит экишни тугатгандан кейин экса ҳам бўлади.

Экиш усули. Маккажўхоридан юқори ва барқарор ҳосил олишда экиш усуллари катта аҳамиятга эга. Экиш схемасини тўғри белгилаш ҳар бир ўсимлик учун оптимал озикланиш майдонини яратиш ва қуёш ёруғлиги билан таъминлашга ёрдам беради. Энг яхши экиш усули – қаторлаб экишдир, СУПН–8, СПЧ–6 М сеялкаларида қаторлаб экиш ўтказилади. Бу усул тупроғи экишга яхши тайёрланган, бегона ўтлардан тоза, унумдор тупроқларда қўлланилса яхши натижа беради. Маккажўхорини эгат ичига, эгат ёнбағрига, пуштага экиш мумкин.

Шўрланган тупроқ юзаси тез қуриб кетадиган ерларда эгат ичига экиш усули қўлланилади. Фарғонада бу усул «тепма усул» дейилади. Бу усулда қатор оралиғи камида 90 см бўлиши лозим. Эгат чуқурлиги 15-16 см бўлади. Текис ерга экишга нисбатан бу усул 8–28 % дон ҳосилини оширади. Эгат ичига экишда СЧХ–ЧАЗ чигит экиш сеялкасидан фойдаланиш мумкин.

Маккажўхорини эгат ичига экиш усули Ўзбекистоннинг турли тупроқлар шароитида синаб кўрилди ва яхши натижа олинди (10-жадвал).

10-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, эгат ичига экиш усули қўлланилганда, текис ерга экилгандагига нисбатан маккажўхорининг силос масса ҳосили 11,0-21,1 %, дон ҳосили эса, 11,1-25,1 % га ошган.

**Турли тупроқ типларида экиш усулининг маккажўхори
ҳосилдорлигига таъсири (Ҳ.Йўлдошев, 1984)**

№	Экиш усули	Тупроқ типлари бўйича ҳосилдорлик, ц/га					
		Ўтлоқ тупроқ- ларда	Типик бўз тупроқ- ларда	Оч тусли бўз тупроқ- ларда	Шўрланган бўз тупроқларда		
Силос масса ҳосили							
1.	Эгат ичига экиш	683	642	653	647	1000	721
2.	Текис ерга экиш	582	540	590	545	907	603
3.	Қўшимча ҳосил, %	21,1	19,0	11,0	12,5	10,2	19,0
Қуруқ дон ҳосили							
1.	Эгат ичига экиш	75,6	81,4	66,5	64,7	101,5	67,5
2.	Текис ерга экиш	60,5	71,8	57,0	52,1	89,2	56,3
3.	Қўшимча ҳосил, %	25,1	13,4	16,6	24,1	13,7	11,1

Кенг қаторлаб экилганда эгат ичидан чиққан тупроқ пуштага яхши жойлашади, пушта кенг ва ясси бўлади. Бу эса, чопиқ тракторининг ўсимлик қатор ораларини ишлашда тўғри юришига имкон беради ва экинни нобуд бўлишдан сақлайди, бунда тракторнинг иш унуми ҳам анча ортади. Кенг қаторлаб (90-120 см) эгат ичига ва оддий усулда экилганда тор қаторлаб (60 см) экилганига нисбатан ҳосилдорилик 3-6 % ошади (11-жадвал). Кенг қаторлаб экилганда ўсимликларни ҳимоя зонаси, яъни қатор оралиғи ишланмайдиган қисми кескин камаяди, чунончи, қатор оралиғи 120 см бўлганда ҳимоя зонаси умумий экин майдонига нисбатан – 20,8 %, 90 см да – 27,7 %, 60 см да эса – 41,6 % ни ташкил қилади. Ҳимоя зонаси камайиши бегона ўтларни йўқотишни осонлаштиради.

**Турли тупроқ типларида экиш схемаларининг маккажўхори
ҳосилдорлигига таъсири (Ҳ.Йўлдошев, 1984)**

№	Экиш схемаси	Силос ҳосилдорлиги и масса	Назоратга нисбатан	Дон % ҳосилдорлиги и та	Назоратга нисбатан	, %
Ўтлоқ тупроқларда						
1.	120x30x20	592	114	67,9	103	
2.	120x60x4	506	97	66,2	109	
3.	60x60x2 (назорат)	549	100	66,1	100	
Шўрланган бўз тупроқларда						
1.	90x45x23	649	106	64,2	106	
2.	120x45x3	602	99	56,5	97	
3.	60x60x2 (назорат)	609	100	58,0	100	
Шўрланмаган бўз тупроқларда						
1.	90x20x1	635	103	61,8	104	
2.	190x45x23	648	105	66,6	106	
3.	90x60x3	609	98	58,6	98	
4.	120x45x3	629	102	61,7	103	
5.	60x60x2 (назорат)	618	100	59,7	100	

Кенг қаторлаб экилган ерларда чуқур эгат олиб суғориш мумкин. Эгат ичига экиш усули қўлланилганда эгатлар чуқурлиги 15-16 см бўлиши лозим. Саёз, яъни 8-10 см қилиб экилган эгатлар уруғни мўлжалланган қулай қатламга экишга ва ўсимлик тупларини чопиқ қилиш пайтида тупроқ билан кўмишга имкон бермайди. Ҳ.Йўлдошев тажрибаларининг кўрсатишича, эгат ичига экиш усули ҳар иккала ҳолатда (чуқур ва саёз) ҳам текис ерга экишга нисбатан юқори ҳосил беради. Бунда ҳар гектардан олинган кўшимча силос масса ҳосили 9,1-21,4 % ни, дон ҳосили эса 8,5-28,0 % ни ташкил қилди. Эгат ичига экилганда энг юқори ҳосил эгат чуқурлиги 16 см бўлганда олинди ва

қўшимча ҳосил 8 см ли эгатдагига нисбатан анча (силос масса ҳосили 12,3 %, дон ҳосили 19,5 %) кўп бўлди.

Ёғингарчилик кўп, сизот сувлар яқин, ҳарорат паст бўладиган минтакаларда тупрокни тез қиздириш, етиштириш учун пуштага экиш усули қўлланилади. Пушталар ораси 60-90 см қилиб олинади.

Силос ёки яшил массаси учун экилганда сочма усул қўлланилади. Бу усул маккажўхори такрорий ёки анғизда экилганда кенг қўлланилади. Туп қалинлиги гектарига 400-500 мингтага етади. Экиш СЗ–3,6, СЗУ–3,6, СЗТ–3,6 сеялкаларида ўтказилади. Бунда қатор ораси 15 см, ўсимлик оралиғи 3–5 см бўлади.

Маккажўхори қатор оралиғи 60, 70, 80, 90, 100, 120, 140 см қилиб экилиши мумкин. Ўзбекистонда маккажўхорини қатор оралиғи 60, 70, 90 см қилиб экиш кенг қўлланилади. Қаторлардаги ўсимликлар орасидаги масофа 7-15 см бўлиши мумкин.

Туп қалинлиги нав ёки дурагайнинг ўсув даврига, экилиш муддатларига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Маккажўхори дон учун экилганда қаторлаб, яшил массага етиштирилганда пуштага экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тажрибада ширин маккажўхори Шерзод навини ҳар хил схемаларда қатор оралари 70, 90 см ва туп оралари 15, 20, 25 ва 30 см қилиб экилиб, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилди.

Олинган маълумотларга кўра, 2006 йилда бир хил муддатда 24 апрелда ва шароитда экилган ширин маккажўхори Шерзод навида униб чиқиш бир вақтда 8-10 кунда кузатилди. Лекин, кейинги ўсув фазаларида эса кескин фарқ кузатилиб қатор оралари 70 см туп оралари 15-20 см қилиб экилганда меваларнинг мум ва тўла пишиш фазалари қатор оралари 90 см, туп оралари 25-30 см қилиб экилганга нисбатан 5-8 кун олдин кузатилди ва энг эрта сўталарнинг тўла пишиши 70x15 см схемада 10 августда, 70x20 см схемада эса 12 августда кузатилди (12 - жадвал).

**Ширин маккажўхори Шерзод навининг турли экиш схемаларида
фенологик кузатиш натижалари**

№	Экиш схемаси	Экиш муддати с/м	Униб киш	1-чинбарг чиқариш	2-чинбарг чиқариш	3-чинбарг чиқариш	Рўваклаш	Сўталаш	Сут пишиш	Мум	пишиш Тўла	пишиш Йиғиш
1.	70x15	24.04	2.05	7.05	10.05	12.05	25.06	5.07	23.07	31.07	10.08	20.08
2.	70x20	24.04	5.05	8.05	10.05	12.05	25.06	5.07	25.07	1.08	12.08	20.08
3.	70x25	24.04	5.05	7.05	10.05	12.05	26.06	3.07	25.07	4.08	14.08	20.08
4.	70x30	24.04	5.05	7.05	10.05	12.05	28.06	3.07	26.07	6.08	16.08	20.08
5.	90x15	24.04	5.05	7.05	9.05	11.05	26.06	5.07	25.07	3.08	12.08	20.08
6.	90x20	24.04	5.05	8.05	10.05	12.05	25.06	4.07	26.07	4.08	13.08	20.08
7.	90x25	24.04	5.05	8.05	11.05	13.05	25.06	3.07	25.07	7.08	18.08	20.08
8.	90x30	24.04	5.05	7.05	10.05	13.05	24.06	3.07	25.07	10.08	18.08	20.08

Тажрибада истиқболли Шерзод навининг ҳар хил экиш схемаларида маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилиб, 70x25 ва 70x30 см схемаларда экилганда бир тупда энг кўп сўталар сони – 3,4 дона бўлган ва энг кам сўталар сони – 3,0 дона эса 90x15, 90x25 см схемаларда кузатилган.

Гектаридан энг юқори дон ҳосили – 5,5 тонна 70x20 см схемада экилганда олиниб, энг юқори силос ҳосили – 41,2 т/га ҳам шу экиш схемасида кузатилган. 90x25 ва 90x30 см схемаларда экилганда энг кам дон ҳосили – 4,1 – 3,8 т/га ва силос масса ҳосили – 35,0 – 32,3 т/га олинган.

Олинган маълумотларга кўра, ширин маккажўхорини нисбатан тор қаторларда 70x20, 70x25 см схемаларда экиш қатор оралари кенг 90 см га нисбатан самарали ҳисобланади (13-жадвал).

Кўчат қалинлиги. Маккажўхори ҳосилдролигига, яъни ҳар гектардаги ўсимлик сонига, ҳар бир ўсимликнинг маҳсулдорлигига боғлиқ. Экин майдони бирлигига мумкин қадар кўп ва юқори маҳсулдор ўсимлик жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бироқ маккажўхори анча сийрак экиладиган ўсимлик. Сийрак жойлаштирилган маккажўхори ораликларини культивация қилиш билан бегона ўтларга қарши курашиш ва ҳар бир ўсимликнинг ёруғликка бўлган талабини қондириш мумкин. Ўсимликларни

далада маълум бир тартибда жойлаштириш йўли билан уларга озик майдони ҳажми ажратилади. Суғориладиган ерларда экин майдони бирлигига кўпроқ маккажўхори ўсимлиги жойлаштириш мумкин. Унумдор, нам етарли тупроқларда кам унум ерларга нисбатан анча қалин экилади.

13 – жадвал

Ширин маккажўхори Шерзод навининг турли экиш схемаларида ҳосилдорлик кўрсаткичлари

№	Экиш схемалари, см	Бир тупдаги сўталар сони, дона	Дон ҳосилдорлиги, т/га	Силос масса ҳосилдорлиги, т/га
1.	70x15	3,2	4,9	40,0
2.	70x20	3,3	5,5	41,2
3.	70x25	3,4	5,1	38,5
4.	70x30	3,4	4,7	36,8
5.	90x15	3,0	4,3	37,6
6.	90x20	3,1	4,5	38,2
7.	90x25	3,0	4,1	35,0
8.	90x30	3,2	3,8	32,3


P(%)=2,7	4,1
ЭКФ ₀₅ (т/га)=0,6	1,8

Маккажўхори илдиз системасининг узунлиги ва илдизлар томонидан ўзлаштириладиган тупроқнинг ҳажми ўсимлик қалинлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Қалин экилган ўсимлик илдизининг миқдори ва массаси кам бўлади. Лекин бир гектар майдондаги илдиз массаси бундай ҳолда сийрак экилган маккажўхорига нисбатан кўп бўлади. Қалин экилган ўсимлик илдизлари тупроқнинг устки қисмида қисилиб қолади ва пастка қараб йўналади. Улар тупроқдаги озиқ моддаларни ўзлаштиришда фаол катнашади.

Тупроқда илдиз массасининг кўпайиши тупроқ микрофлорасига таъсир қилади. Илдиз микрофлораси ҳар гектарда 200 минг туп ўсимлик бўлганда 50 минг туп бўлгандагига нисбатан 1,5 марта, аммонификаторлар 2 марта, нитрификаторлар 4 марта, кластридиялар 3 марта кўпаяди (Н.Н.Третьяков, 1974).


Дон ҳосили

70x15 70x20 70x25 70x30 90x15 90x20 90x25 90x30



Силос ҳосили

70x15 70x20 70x25 70x30 90x15 90x20 90x25 90x30



3 – диаграмма. Шерзод навининг турли экиш схемаларида дон ва силос масса ҳосилдорлиги

Маккажўхори илдиз системаси ва унинг ризосферасидаги микроорганизмларнинг кўплаб тараққий қилиши ўсимликнинг тупроқдаги озик моддалардан яхши фойдаланишига имкон беради.

Маккажўхори сийрак экилганда, яъни ҳар бир ўсимлик учун тупроқ ва ҳаво ҳажми етарли бўлганда сўта ҳосил бўлиши учун яхши шароит туғилади. Маккажўхорини силос учун сўтасиз ўриш ва кўк масса олиш мақсадида экилганда ўсимликлар анча қалин бўлиши мумкин. Маккажўхорининг кўчат қалинлиги у қандай мақсадлар учун экилишига қараб гектарига 50-60 мингдан 300-400 минг тупгача бўлиши мумкин.

Унумдор тупроқларда маккажўхори эркин ва бақувват бўлиб ўсади ҳамда юқори яшил, силос масса ва дон ҳосили беради.

Қатқалоқни юмшатиш. Одатда, ўрта ва оғир механик таркибли оч, тўқ бўз тупроқларда кучли ёмғирлардан кейин тупроқ юзасида қатқалоқ ҳосил бўлиши мумкин. Қатқалоқ уруғнинг униши, майсаларнинг ҳосил бўлишини қийинлаштиради. Натижада экин сийрак бўлиб қолади. Тадқиқотчи олим Н.Н.Третьяков (1974) маълумотларига кўра, уруғ устидаги тупроқнинг зичлиги $0,95-1,23 \text{ г/см}^3$ бўлганда улар ўз вақтида ва қийғос кўкариб чиқади. Зичлиги $1,33-1,43 \text{ г/см}^3$ бўлиб қатқалоқ босганда майсаларнинг бир оз вақт тўхтади. Қатқалоқнинг зичлиги $1,52-1,61 \text{ г/см}^3$ бўлганда эса уруғ бутунлай униб чиқмайди ёки ниҳоятда сийрак (1-2 майса) чиқади. Бошқача айтганда, зичлиги $1,52-1,61 \text{ г/см}^3$ бўлган қатқалоқни маккажўхори майсалари ёриб чиқа олмайди.

Шунинг учун қатқалоққа қарши ўз вақтида курашиш зарур. Майсалар ҳосил бўлмасдан олдин қатқалоқ босган ерни ёппасига ротацион мотиға билан ишлаш ёки калта тишли борона солиб, уни йўқотиш мумкин. Агар майсалар ҳосил бўлиш олдидан ёки кейин қатқалоқ босса, ҳар бир эгатга икки жуфт (оддий усулда экилганда) ёки бир жуфт (эгат ичига экилганда) ротацион мотиға ўрнатиб ер юмшатилади. Борона ва ротацион мотиға ёрдамида ишланган ерларда бегона ўтларнинг ҳам майсалари йўқ бўлади.

Қатқалоқ ўз вақтида юмшатиш тупроқда ҳаво, иссиқлик режими яхшиланади.

Экиш чуқурлиги – одатда эрта муддатларда 5-6 см бўлади. Экиш муддати кечикиши билан ҳарорат ортади, уруғларни 10-12 см чуқурликка экиш мумкин. Механик таркиби оғир тупроқларда 4 см чуқурликда экилади. Йирик уруғларни майда уруғларга нисбатан 1-2 см чуқурроқ экиш мумкин. Экиш чуқурлигининг ортиб бориши билан “экиш - униб чиқиш” даври чўзилади.

Кўплаб тажрибалар маккажўхори уруғлари 8-12 см чуқурликка экилганда яхши натижа олинишини кўрсатади. Экиш чуқурлиги 8-12 см бўлганда уруғлар 18-22 см чуқурликка экилгандагига нисбатан дон ҳосили 2,5-13,6, яшил масса ҳосил 27-132 ц/га ошган.

Экиш СКНК–6, СКПН–8, СПЧ–6, СУПН–8 ҳамда СЧК–4А-1, СЧХ–4А – 1, СЧХ–4А–4 чигит сеялкаларида бажарилади.

Бир неча йил давомида шўрланмаган типик бўз тупроқда экиш чуқурлигининг маккажўхори уруғининг униши майсаларининг чиқиши, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилига таъсири ўрганилган (14 – жадвал).

14 – жадвал

Экиш чуқурлигининг маккажўхори ўсиши ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири

№	Кўрсаткичлар	Экиш чуқурлиги, см					
		4	8	12	16	18	22
1.	Ўсимликнинг бўйи, см	247	252	252	242	241	282
2.	Баргининг узунлиги, см	78,4	81,3	82,1	77,6	75,2	70,3
3.	Ўсимлик ер устки қисмининг қуруқ массаси, грамм	428	440	444	415	401	380
4.	Илдизнинг қуруқ массаси, грамм	28,71	29,15	31,42	31,1	29,51	27,12
5.	Кўкпоя ҳосили, ц/га	625	640,4	651,8	612,5	591,3	513,8
6.	Дон ҳосили, ц/га	60,6	63,1	63,1	58,3	54,7	49,5

Маккажўхори уруғи 8-12 см чуқурликка экилганда ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Бундан чуқур, яъни 16, 18, 22 см га экилган уруғлар 4, 8, ва 12 см га экилганга нисбатан 2-3 кун кеч кўкариб чиқди, майсалар сусти ривожланди. Чунки, чуқур экилган уруғ униб то ер бетига чиққунгача ундаги захира энергия тугайди ва шунчалик қалин қатламни ёриб чиқишга қуввати етмай қолади. Бу эса пировардида ҳосилдорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Экиш меъёри. Дон учун 1 гектарга 20-25, яшил масса учун 30-180 кг уруғ сарфланади. Макбул туп қалинлигини ҳосил қилиш учун уруғларнинг дала унувчанлиги, ўсиш даврида сийраклашиши ҳисобга олинади. Ширин маккажўхори учун ҳам қулай экиш меъёри 20-30 кг/га ҳисобланади.

Экин парвариши. Суғориладиган ерларда қатқалоқни йўқотиш, бегона ўтларга, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, қатор ораларини ишлаш, озиқлантириш, суғориш–маккажўхорини парваришлаш тадбирларини ташкил қилади.

Уруғлар униб чиққунга қадар қатқалоқ ҳосил бўлса ротацион мотиға ёки калта тишли борона билан экишга кўндаланг қилиб тупроқ юмшатилади. Бунда қатқалоқ юмшатилиб бегона ўтлар йўқ қилинади, тупроқнинг ҳаво ва иссиқлик режими яхшиланади, майсалар тез униб чиқади.

Маккажўхори майсалари униб чиққандан кейин қатқалоқ ҳосил бўлса ўсимлик 3–4 барг ҳосил қилгунча эгатларга кўндалангига калта тишли борона солинганда қатқалоқ йўқотилади, бегона ўтларнинг 80 % и, маккажўхорининг атига 3–4 % и йўқотилади.

Биринчи культивация маккажўхори 3–4 барг ҳосил қилганда, четки органлари 6–8, 10–12 см, ўртасидаги (ғозпанжа) 16–18 см чуқурликка ўрнатилади.

Культивация ҳар бир суғоришдан кейин тупроқ етилганда ўтказилади. Культивация пайтида ёки эгат олишда озиқлантиришлар ўтказилади. Кеч ўтказилган культивацияда кесаклар, эрта, тупроқ лой бўлганда ўтказилса

палахсалар ҳосил бўлади, ўсимлик илдизлари шикастланади, ўсиши ривожланиши сустлашади.

Маккажўхори қатор ораларини ишлашни ўсимлик бўйи 120-130 см бўлгунча ўтказиш мумкин. Ўсув даврида 3-4 культивация ўтказилади.

Суғориш режими. Тупроқда етарли нам бўлиши учун куз, қиш ва эрта баҳорда, гектарига 1500-2000 м³ меёрда яхоб суви берилади. Яхоб сувларини бериш ҳосилни 10-15 % оширади. Экиш олдидан нам тўплайдиган суғоришлар гектарига 800-1200 м³ меёрда ўтказилади.

Маккажўхорининг ўсув даврида тупроқдаги намлик ЧДНС нинг 70-80 % кам бўлмаслиги лозим. Айниқса рўвак чиқаришдан 10 кун олдин, рўвак чиқаргандан кейин 20 кун давомида маккажўхори сувга жуда талабчан бўлади. Ҳарорат 30 °С ошганда ҳаво куруқ бўлса маккажўхори чанглари бир соатдан кейин нобуд бўлади. Сўтада донлар сийрак ҳосил бўлади.

Ўсув давридаги суғоришлар сони ва меёрлари сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига, тупроқ механик таркибига ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Суғоришлар меёри ўртача 900-1000 м³/га. Биринчи суғориш майсалар униб чиққандан кейин 20-25 кун ўтгач ўтказилади. Кейинги суғоришлар ҳар 10-15 кунда ўтказилади. Суғоришлар сони 4 –7 бўлиши мумкин. Оғир, ер ости сизот сувлар яқин жойлашган тупроқларда суғориш меёрлари катта, аммо сони кам, сизот сувлар узоқ енгил тупроқларда эса аксинча бўлади. Суғоришлар эгатлаб (инфильтрацион) усулда олиб борилади.

Бегона ўтларга қарши кураш. Бегона ўтлар бошқа ўсимликларга нисбатан маккажўхорига кўпроқ зарар етказади. Чунки маккажўхори ердан кўкариб чиққандан сўнг дастлабки 30-35 кун давомида жуда секин ўсади. Бегона ўт босган далада ниҳоллар тез кунда уларнинг остида қолиб кетади.

Ўт босган далаларда маккажўхорининг ҳосили бегона ўтлардан тоза далалардагига нисбатан 90 % гача камайиб кетади. Чунки бегона ўтлар маккажўхорига керакли сув ва озиқни тортиб олади. Натижада маккажўхори ўсимликлари нозик, ингичка, паст бўйли бўлади ва уларнинг аксарият қисми

сўта ҳосил қилмайди. Маккажўхорини ўсув даврида бегона ўтларга қарши культивация, ўтоқ, чопиқ қилинади. Далани ўтлардан агротехник тадбирлар билан тозалаш кўп меҳнат талаб қилади ва уни ҳамма далада тўла-тўқис ўтказиб бўлмайди.

Кейинги йилларда уруғларни экишгача Стомп гербицидини гектарига 3-6 кг/га меъёрида қўллаш бир йиллик ғалладош ўтлар ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашда юқори самара бермоқда. Эрадикан бир гектарга 4–8 л меъёрида 300 л сувга аралаштирилиб экиш олдидан пуркалади ва дарҳол тупроққа аралаштирилади. Бу гербицидни кейин экиладиган икки паллали маданий ўсимликларга зарарли таъсири йўқ.

Самурай гербициди ҳам экиш олдидан тупроққа берилади. Аммо уларнинг кейинги икки паллали экинларга таъсири кучли.

Ўсув даврида Базагран 1,5-2,0 л/га, Старане 0,75-1,0 л/га, Титус (25 %) – 40-50 г/га қўлланилиши мумкин.

Касаллик ва зараркунандалари. Ҳозирги вақтда маккажўхорининг 40 дан ортиқ касаллиги аниқланган. Уларнинг турли замбуруғлар (касаллик тарқатувчи фитопатоген), бактериялар ва вируслар чақирувчилари ҳисобланади.

Маккажўхори касалликларининг 30 дан ортиқ хилларини замбуруғлар, қолганларини эса бактерия ва вируслар келтириб чиқаради. Шароит ноқулай бўлганда маккажўхори ярим паразит ва сопрафит микроорганизмлар билан ҳам зарарланади.

Маккажўхорининг замбуруғ касалликларига: чанг ва пуфакли қоракуя, диплодиоз, фузариоз, микроспориоз, поя ва илдиз чириш, физалоспориоз, ризоктониоз, ўтказувчи тўқималарнинг қорайиши, склороспориоз, поянинг оқ чириши, занг, гелминтоспориоз, барг доғланиши, физодермоз, барг товлама доғланиши, барг церкоспорози, доннинг қора чириши, моғорлаш ва бошқалар киради. Замбуруғлар маккажўхори уруғидан бошлаб унинг майсаси, барги, пояси ва сўтасини зарарлайди.

Маккажўхорининг бактериал касалликлари: бактериал сўлиш, поянинг бактериал чириши, барг ва пояларнинг бактериоз касаллиги, баргларнинг кўнғир доғланиш касаллиги ва бошқалардир.

Маккажўхорининг вирус касалликлари: маккажўхорининг ола-була, барг доғланиши, маккажўхорининг тарам-тарам бўлиш касаллиги, сўталарнинг майдаланиши, нуқтасимон доғланиш, калта поя ҳосил қилиш, ўсимликнинг пакана бўлиши ва бошқалар киради.

Ҳосилни йиғиш. Маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олиш меҳнат талаб тадбир ҳисобланади. Бу тадбирлар комплекси механизациялаштирилганда – маккажўхори етиштириш учун сарфланган бутун харажатларнинг 50 % и силос массаси, 60 % и эса донни йиғиштиришга кетади.

Маккажўхорининг кўк масса, силос ва дон учун йиғиштириб олиш муддатларини тўғри белгилаш катта иқтисодий аҳамиятга эга.

Сўтаси ва пояси билан силос тайёрлаш учун унинг дони думбул пишиқлик даврида ўриб олиниши мақсадга мувофиқ. Бу даврда маккажўхорида энг кўп силос масса тўпланади ва намлиги 65-70 % ни ташкил қилади. Бундай намлик бостирилган силос массада сут бижғиш жараёнининг меъёрида боришини таъминлайди ва озиқ бирлиги миқдори кўп бўлади. Барвақт ўрилган маккажўхори силос массасининг ҳосили ва сифати камаяди.

Бутун даладаги маккажўхори ўсимлигининг сўталари бир вақтда пишиб етилмайди. Сўталарда дон пайдо бўлгандан бошлаб 20 кун ўтгач маккажўхори сут пишиқлик, 30-35 кунда сут-мум пишиқлик ва 60-65 кун ўтгач эса тўла пишиқлик фазасига етади. Доннинг етилганлигини аниқлаш унинг ўриш даврини ўтказиб юбормаслик учун даланинг диоганалига юриб сўталарнинг ҳолати текшириб турилади. Агар даладаги мавжуд ўсимликларнинг 60 % и ва ундан кўп қисмида донлар сут-мумлик ҳолатида бўлса, ҳали улар бу фазага (сут-мумлик) етмаган бўлади. Бу кўрсаткич 60-75 % бўлса, сут-мум пишиқлик фазасига етган ҳисобланади. Даладаги ўсимлик

сўталарининг 75-90 % и мум ёки тўла пишган ҳолатга етса, ҳосилнинг ҳаммаси тўла думбул бўлган ёки тўла етилган дейилади.

Маккажўхорини силос учун ўриш муддати. Силос массасининг сифати бевосита маккажўхорини ўриш муддатига боғлиқ. Агар маккажўхорини мум пишиқлик даврида бир гектардан олинадиган курук моддани 100 % деб олсак, гуллаш фазасида 44,6, сут пишиқлик фазасида 66,9 ва сут-мум пишиқлик фазасида 87,7 % ни ташкил қилади. Шунини айтиш керакки, энг кўп курук модда ва протеин маккажўхорининг гуллаш ва мум пишиш фазаларида тўпланади.

Барвақт ўриш силос массаси ва унинг озиқ қимматини пасайтиради, бундай ҳолда силос нордон бўлади ва уни моллар яхши емайди.

Маккажўхорини силосга ўришда ўша минтақанинг иқлим шароитини ҳисобга олиш лозим. Дон мум пишиқлик фазасига ўтмай туриб, ўсимликлар ўзидан сувни йўқота бошлайди. Уларнинг намлиги 63-65 % ни ташкил қилади.

Маккажўхорини силосга ўриш ишини жуда жадаллик билан олиб бориш лозим. Бунинг учун хўжаликдаги барча имкониятларни ишга солиш керак, ҳамда ҳар қандай катталиқдаги силос ўрасини 2-3 кунда тўлдириб уни яхшилаб беркитиш лозим.

Маккажўхорини силос ва кўк массага хашак ўрадиган ўзи юрар КСК-100, КС-1,8, КС-2,6, КСС-2,6, СК-2,6А, КПКУ-75 ва бошқа маркали машиналар билан ўрилади. Ўришдан олдин дала кўздан кечириб чиқилади, агар ишга ҳалақит берадиган нарсалар бўлса, уларни олиб ташлаш ёки белги қўйиш лозим. Маккажўхори прицеpleri комбайнлар билан ўрилганда даланинг 4 томонидан йўл очилади, ўзиюрар комбайнлар қўлланилганда эса фақат икки чети ўрилади.

Маккажўхорини донга ўриш муддати. Маккажўхори барвақт ўрилганда сўталар бирдай етилмаганлиги сабабли дон ҳосили камайиб кетади. Кеч ўрилганда айрим поялар ётиб қолиб, сўталари узилиб ерга тушади. Бу ҳолат ҳам ҳосилга зарар етказади. Бундан ташқари дон учун

экилган маккажўхори ўрнида узоқ туриб қолса, юқори ҳарорат таъсирида айрим нав ва дурагайларнинг донлари пояда туриб чатнаб кетади. Чатнаб ёрилган донларга микроблар ўтиб, кейинчалик уларнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун маккажўхори дони таркибида энг кўп куруқ модда тўпланган ва у узоқ вақт сақланиши мумкин бўлган муддатда ўриш лозим.

Ўзбекистон шароитида баҳорда экилган маккажўхори дони 70-75 %, сўталар тўла етилганда, қолган қисми эса мум пишиқлик фазасида ўрилади. Бу пайтда маккажўхори барг ва пояларининг намлиги 63-65 % ни ташкил қилади. Бундай кўк массада сифатли силос бостириш мумкин.

Дон учун маккажўхори Херсонец-7, Херсонец-200 ва қайта жихозланган СКЗ, СК-4 комбайнларида ўрилади. Бу комбайнлар маккажўхорини ўриши ва унинг донини бирайўла янчиши учун ЖКН-2,6 маркали жаткани бевосита молотилкага, И-15 майдалагич молотилкани эса комбайн орқасига ғарамлагичнинг ўрнига ўрнатилади.

Ўришдан олдин далаларнинг боши ва охирида механизмларнинг айланиши учун 15-20 метр кенгликда йўл очилади. Бунинг учун ЖКЦ-2,6 мосламаси ўрнатилган СК-4 комбайндан фойдаланилади.

Маккажўхори ўрилаётганда доннинг намлиги кўпи билан 20-22 % дан ошмаслиги лозим. Бутун даладаги донбоп маккажўхорини 6-7 кунда ўриб олиш керак. Шундай қилинганда исрофгарчиликнинг олди олинади.

Айрим ҳолларда поядаги донлар яхши қуриши учун ўриш кечиктирилади. Бундай қилиш тўғри эмас, чунки кеч ўрилганда биологик ҳосил камаяди, исрофгарчилик кўпаяди. Бундан ташқари далани маккажўхоридан бўшатиш, унинг ўрнини ишлаш, такрорий экин экиш ишлари кечикиб кетади.

Дон учун экилган маккажўхорининг нав ва дурагайлари 10-12 кун ичида ўриб бўлиниши лозим. Янчилган дон кўшимча қуриштилади ва омборларда сақланади. Уруғлик маккажўхори эса сўталари билан ёки янчилган ҳолда қуриштилади ва омборларда сақланади. Бунда сўталар намлиги 6 %, донники эса 13 % дан ошмаслиги керак.

Даладан йиғиштириб олиб келинган сўталарни қуритиш ва сақлаш анча мураккаб иш, чунки нотўғри сақланган сернам сўталарнинг донлари тез бузилади ва чорва озиқаси сифатида яроқсиз бўлиб қолади. Сўталар асфалтланган ёки тахта тўшалган жойларда юпқа қилиб ёйилади, турли хаслардан тозаланади. Моғорлаган ва пишмаган сўталар ажратиб ташланади.

Юпқа қилиб ёйишга имкон бўлмаганда, усти ёпик, таги курук, тахта тўшалган жойларда сўталар 1-1,5 метр баландликда уйилган ҳолда сақланади. Бунда вентиляторлар ёрдамида шамол бериб турилади ва уларнинг ҳолати кузатиб борилади.

4.2. Ширин маккажўхори Шерзод навини асосий экин сифатида ўстириш технологияси

Маккажўхори бегона ўтлардан тоза, чиринди ва озиқ моддаларга бой, ҳаво хусусиятлари яхши, намлик етарли ва тупроқ эритмаси нейтрал реакцияли тупроқларда юқори ҳосил беради.

Ширин маккажўхорини алмашлаб экишда беда, картошка ва полиз экинларидан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқ.

Ширин маккажўхоридан мўл ҳосил олишда даланинг текист бўлиши ва уни экишга тўғри тайёрлаш катта аҳамиятга эга, чунки бу экин Самарқанд вилояти шароитида фақат суғориладиган ерларда экиб ўстирилади.

Ширин маккажўхори учун ерни асосий ишлаш усули ва чуқурлиги ўтмишдош экиннинг характериға, тупроқ хилиға, ҳайдов қатламининг қалинлиғиға, далани ўт босганлик даражасиға ва бошқа ҳолатларға боғлиқ.

Кузда ерлар 27-30 см, махсус плуглар ёрдамида 40 см гача чуқурликда ҳайдалади. Кучли ўт босган далаларни ўтдан тозалаш мақсадида ерни икки ярусли плуглар билан 35-40 см чуқурликда ҳайдалади.

Баҳорда тупроқни 8-10 см ли қатлами етилганда бороналанади. Агарда баҳорги ёғинганчиликлардан тупроқ зичлашиб кетса, бундай далалар диска ёки чизель билан бирга бороналаниши лозим.

Ширин маккажўхори экиладиган дала текист, бегона ўтлардан тоза, тупрокнинг юза қавати (8-10 см) юмшоқ, донатор бўлиши экилган уруғларни текист кўкариб чиқишини таъминлайди.

Ширин маккажўхорининг сут пишиш фазасидаги дони истеъмол қилиниб, таркибида 4-8 % қанд, 12-15 % крахмал, 4 % оксил ва 1,2 % мой сақлайди.

